Адолатни тиклашнинг ўн ойлик машаққатли йўли
2-бетда

Ўзбекистон Президенти НАТО анжуманида нутқ сўзлади!
3-бетда

Ўпишиб кўриш...майлик, биродар!
4-бетда

МУСТАҚИЛ ГАЗЕТА

ҲУРРИЯТ

1996 йил декабрдан чиқа бошлаган

Чоршанба кунлари чиқади | 1999 йил 28 апрель - 4 май | 17 (119)-сон

СЕНСАН, СЕВАРИМ

Тонгда боғлар оралаб,
Келарсан, деб мен кутдим.
Гуллар тердим саралаб,
Меҳр билан гул туздим.

Боғни парвариш қилдим,
Ғунчалар гул бўлсин, деб,
Сени мен кўп куттирдим,
Гулим бир қучоқ бўлсин деб.

Сенсан, ёлғиз севарим,
Мени излаб келарим.
Сен бўлмасанг ёнимда,
Бўлмас менинг қарорим.

Тонгда булбул сайрайди,
Ёрингни кут, деб шунда.
Суяр бўлиб жўр овоз,
Шеър тўқийди шу тонгда.

Сенсан, ёлғиз севарим,
Мени излаб келарим.
Сен бўлмасанг ёнимда,
Бўлмас менинг қарорим.

Суяр УБАЙДУЛЛАЕВ,
Жиззах тумани,
Ёйилма қишлоғи

Биз кенг жамоатчиликнинг қўллаб-қувватлаши билан Номаълум солдат майдонини Хотира майдони деб аташга аҳд қилдик... Бу жой, шубҳасиз, ўзига хос гўзал зиёратгоҳ ва тарбия маскани бўлиб қолади.

Ислом КАРИМОВ

ҲАЙКАЛЛАР ТИЛГА КИРСА...

Аввалги "Номаълум солдат" энди номаълум эмас. У бизнинг хотирамизда, қалбимизда

Сана

Аҳад ҲАСАН

Одатда ҳайкални лойдан, тошдан, гранит ё мармардан ёхуд металлдан кашф этишади. Ҳатто дунёда соф олтиндан ясалган ҳайкаллар ҳам бор. Париждаги қадимги музейлардан бирида бобокалонимиз соҳибқирон Амир Темурнинг тиллодан қуйилган бюсти худди тирикдай турган эмиш.

Майли, ҳайкални нимадан ясашса ясашаверсин, у ёғи ҳайкалтарошнинг майли, унинг ҳафсаласи ва ҳунарига боғлиқ. Бироқ, тикланаётган ҳайкалларда одамни ўзига мафтун этар завқ-шавқ бўлсин. Ҳайкалнинг қора булутдай бўлиб қўланка солиб туришидан не фойда: унда на мантиқ, на бир мазмун бўлмаса?!

Мамлакатимиз раҳбари Тошкентдаги Хотира майдонини кўздан кечириб, қурилаётган ёдгорликнинг шакли-шамойили, ҳатто моҳият ва салоҳиятигача мулоҳаза юритиб, тарихий аҳамиятга молик сўзларни айтди. Юртбошимиз таъкидлаганидай, ҳис-ҳаяжон кўзғатмайдиган ёдгорлик, афсуски, ҳеч нарсага асқотмайди.

Шу боис Ислом Каримов пойтахтда қад ростлаётган Хотира майдони Ватан фидойилари покиза руҳини умрбод шод этиб туражагига иймон келтирди. Ўзбек аёлининг ғам ва кулфатини ифода этаётган мотамсаро Она ҳайкали пойида Президентимиз бир лаҳза тўхтаб, "Сен доим қалбимдасан, жигарим!" деган онаизор қалб нидосини йирик-йирик ҳарфлар билан битиб қўйишни тавсия этди. Бу бежиз эмас, албатта. Бу даъватда бир дунё маъно ва бир олам ибрат бор. Ҳар бир ҳайкалда марҳумларнинг ҳам, тирикларнинг ҳам дунёни ларзага солар қандайдир бир нидоси мужассам топган бўлади.

Пойтахтдаги Хотира майдони, у ерда қад ростлаётган ёдгорлик ва битик лавҳалар 9 май - ғалаба кунини эмас, йўқ, бундан буён Хотира ва Қадрлаш кунини англатади ва бу воқеа тарих зарварақларига киради.

... Мен рўпарамдаги мана бу унсиз ҳайкалларнинг тилга киришини жуда-жуда истар эдим. Сабабки, улар ҳайкалга айлангунларича тўрт мучаси бут Алпомиш келбатли паҳлавонлар бўлишган: гапирган, қулган, севган, севилган, изтироб чеккан, "Бошимиз узра Қуёш битта, юрт битта - Ватан ягона: менинг тириклигим, эрким сен билан!" дея қасамёд қилишган:

Сен менинг байрамим,
Сен менинг ғамим,
Сен менинг боримсан,
Айни ўзимсан!

Агар сендан тонар бўлсам,
Қисматим хору зор бўлсин.
Агар сендан тонар бўлсам,
Баҳорим кузга айлансин!

Улар Ватан шаънига ана шундай онт ичиб, сўнг қўлга қурол олиб, жангга кирганлар, кўкракларини зах окопларга босиб, мамлакатни қаттол душмандан ҳимоя қилганлар.

Биламан, рўпарамдаги мана бу тош ҳайкаллар гапирмайди, гапиролмайди. Бу "Номаълум солдат" ҳайкалларини собиқ иттифоқ даврида марказдан енг шимариб келган номаълум ёлланма ҳайкалтарошлар қуриб кетишган. Агар бу ёдгорликларга чуқур разм солиб турсангиз, улар ҳиссиз ёки соқовгина эмас, ҳайкалтарош қай миллатдан бўлса, кашф этган ҳайкалининг афти-андоми ҳам худди ўша миллат вакилининг қиёфасига айнан ўхшайди. Масалан, Шофиркон туманидаги Бобур номли хиёбондаги "Номаълум солдат" ҳайкали, "Ўзбекистон" жамоа хўжалиги марказидаги аскар ёдгорлиги фикримиз далили. Мабодо йўлингиз тушиб, вилоят марказидаги кутубхона томон ўтсангиз, буюк юртдошимиз ҳазрат Ибн Сино ҳайкалига чуқурроқ бир разм солинг. Шу ёдгорликнинг очилиш маросими куни Бухоронинг маънавияти баланд инсонларидан бири ҳайкалга қараб туриб: "Эҳ, сўхтаси совуқ ҳайкалтарошлар, бобокалонимизни худди ўзларининг ғайридин боболарига ўхшатиб ясашибди-я!" дея изтироб ила афсус чеккан эди.

Яна бир гап. 1941-45 йиллар жанги узоқ вақт иккинчи жаҳон уруши ёхуд улуғ Ватан уруши номи билан аталиб келинди. Бу қирғин-барот жанг ғалабаси осонлик билан қўлга киритилмаган. Буни ёш ҳам, кекса ҳам билади. Ҳатто бу ҳақда: "Ғалабанинг ўзи келмаган, дўстим!" дея қанча шеърлар, қанча достонлар, том-том китоблар битилган. Хўш, энди бу ҳақда сиз нима дейсиз: шунча қон тўкиб, шунча машаққатлар билан эришилган ғалабани, буюк ғалабани бундан буён ҳам аллақандай "Номаълум солдат" номига боғлаб, унинг номаълум номи билан атаб гапирсак, мантиқан тўғри бўладими? Боз устига, унинг ўзи номаълум бўлса. Ахир, озодлик дея жангга кирган аждодларимиз номаълум эмас - ҳар бирининг ўшанда ўз исму шарифи бўлган-ку! Улар шу қутлуғ ном билан урушга кириб, шу ном ила курашиб, шу исму шарифлари ила шон-шавкат қозониб, шу қутлуғ ном ила ғалаба қилганлар ёхуд шаҳид кетганлар-ку! Буни унутиб бўладими?

Президентимиз айтганларидай, улар қандайдир номаълум тепаликлар, бегона мамлакатлар учун номаълум солдат бўлиб жанг қилмаганлар. Улар қайси жанггоҳда бўлмасин ўз она юрти, таваллуд топган қишлоғи, онаси ва суюкли ёри, ортида қолган фарзандларининг меҳри доимо фикру хаёлида турган. Улар олис Европада туриб ўз юртини, жонажон Ўзбекистонни фашизм балосидан ҳимоя қилганлар. **"Шунинг учун ҳам,** - дейди Юртбошимиз "Туркистон" газетаси мухбири саволларига берган жавобида, - **биз кенг жамоатчиликнинг қўллаб-қувватлаши билан "Номаълум солдат" майдонини Хотира майдони деб аташга аҳд қилдик**".

Хотиралар... Ҳайкаллар... Дарвоқе, ҳайкаллар чиндан ҳам гапирадиларми? Улар чиндан ҳам хотиралар сўзлашга қодирларми? Ҳа, улар чиндан ҳам гапирадилар, хотиралар айтишга қодирлар: бири қасоскор Тўмарис бўлиб сўзлайди, бири Ватан деб жон фидо қилган Мангуберди бўлиб гапиради, бири соҳибқирон Амир Темур, бири генерал Собир Раҳимов бўлиб тилга киради. Яна бири пойтахтдаги муқаддас қадамжо - Хотира майдонида қад ростлаб, мотамсаро оналар номидан гапиради, бегона юртларда бекафан кўмилиб кетган жону жигарлари доғида куйиб-куйиб, бўзлаб-бўзлаб сўзлайди: **"СЕН ДОИМ ҚАЛБИМДАСАН, ЖИГАРИМ"!**

Хуллас, чин сўз - мўътабар, Яхши сўз мухтасар бўлғай деганларидай, айтилар муддао шуки, биз тириклар марҳумлар ёдини ҳар сония дилга маҳкам тугиб, номаълум эмас, йўқ, жангларда маълум ва машҳур бўлган, озодлик йўлида шаҳид кетган аждодларимиз ёрқин сиймоси акс этган осмонўпар, миллий ўзбекона ҳайкалларни тиклайлик, бугун ҳаёт бўлган авлодларга чексиз иззат ва эҳтиромда бўлайлик!

...Мен рўпарамдаги бу ҳайкалларнинг тилга киришини, ёниб-куйиб гапиришини истар эдим. Сабабки, улар ҳайкалга айлангунларича тўрт мучаси бутун тирик жон бўлганлар: гапирганлар, қулганлар, севганлар, севилганлар, изтироб чекканлар, Қуёш битта, Ватан ягона дея унинг шаънига қасамёд қилиб, кейин жангга кирганлар:

Агар сендан тонар бўлсам,
Қисматим хору зор бўлсин!
Агар сендан тонар бўлсам,
Баҳорим кузга айлансин!

Мен рўпарамдаги мана бу тош ҳайкалларнинг тилга киришини жуда-жуда истар эдим. Сабабки, ҳайкаллар тилга кирганида олам фаришта юзидай ёришармиш, армонда кетган марҳумларнинг покиза руҳи равшан тортиб, қувнаб, гулдан гулга қўниб, кўкка парвоз этар эмиш...

Шофиркон

Бошингдан дўппинг тушмасин, йигит!

СУЗМА СОТИШНИНГ ЙЎЛИ

25 апрель, саҳар соат 6.30 эди

Ажабо!

Тошкентнинг "Чорсу" бозоридаги гумбазли тим эшиклари харидорлар учун очилмаган, ичкарида сотувчилар ғимирлаб юришарди. Тасодиф юз бериб, ичкарига биринчилардан бўлиб кириб қолдим. Харидорлар сийрак, сотувчилар ҳализамон қизиб кетадиган бозорга ҳозирлик кўришяпти.

Иттифоқо сузма растасига кўзим тушди. Сотувчи аёллардан бири раста устига уюлган сузмага елим сувидиш - боклажкадаги сувни қуя-қуя кафтлари билан мижғилади, яна қуйди, яна аралаштирди. Сўнг аёл билагига юққан сузмани сидириб туширди - идишдаги сув қолмади, яна мижғилаб-мижғилаб, қўлларини қорайиб кетган докага "тозалаб" артди.

Бу манзарага қараб туриб кўзларимга ишонмадим. Ахир, дунёда гигиена деган, озодалик деган тушунча ва талаблар бор-ку!!

Нима, сув шу тахлитда аралаштирилса сузманинг тоши ортадими, кўриниши харидорни алдайдиган бўладими?!..

Виждон, диёнат деган туйғулар қайда қолди?!

Ахир у сузмани кимдир норасида гўдагига, кимдир бемор ота-онасига олиб боради-ку!..

Нари кетдим, сотувчи аёллардан яна бири, бироз юрдим, яна бошқаси сузмага шу тариқа "ишлов" бераётган, харидорлар эса тобора гавжумлашаётган эди...

ТОМОШАБИН

"ҚОНУНПАРВАР" ТАЛАБА

Ходиса

Бир куни онам билан Тошкент - Хоразм йўналиши бўйича қатнайдиган автобусга чиқдик. Автобус ҳали одамлар билан тўлмаган, ҳайдовчилар йўловчиларни кутишмоқда эди. Шу сабабли биз ҳам анча вақтгача автобуснинг юришини кутиб қолдик. Шу орада биз ўтирган жойга учтўртта аёл ҳар хил шоколадлар солинган кичик қутича кўтариб чиқишди. Биздан бир ўриндиқ олдинда ўтирган йигит чўнтагидан қизил муқовали ҳужжат чиқариб уни биринчи турган аёлга кўрсатди ва аёлга бу ерда савдо қилиш мумкин эмаслигини айтди. Аёл бир нима деган эди, йигитнинг жаҳли чиқиб, уни шартта тирсагидан ушлади ва Отчопар бозорига қарашли милиция пунктига олиб кетди. Йигит қайтиб жойига келиб ўтиргандан кейин эринмасдан яна автобусга қутичасини кўтариб чиққан ҳар бир аёл билан пачакилашиб уларни ҳайдай бошлади. Йигит сўнгги чиққан бир аёлнинг (у ҳомиладор эди) олдига оёғини тираб: "Тиш мумкинмас", - деди. Аёл ўтишга ҳаракат қилди, натижада иккалови ўртасида жанжал чиқди. Аёл қалқиб кетиб, қўлидаги қутичасини туширib юборди ва ичидаги конфетлар ерга сочилиб кетди. Шунда жанжални кузатиб ўтирган йигитлардан бири конфетларни теріб чўнтагига сола бошлади. Буни кўрган яна бир йигит ҳам қутичадаги қолган конфетларга чанг солди. Аёлнинг хўрлиги келиб, йиғлай бошлади. Шунда онам шартта ўрнидан туриб, ҳужжатини чиқазди-да, йигитга: "Қани, ҳужжатингни чиқаз-чи, мен бир кўрай, қанақа ҳужжат экан у одамларни ҳақорат қилишга йўл қўядиган", деди. Йигит ҳужжатини кўрсатди: "Машарипов Санжар - Политехника коллежининг 2-курсида ўқийман, ректоримнинг фамилиясини ҳам айтайми - Ражапов", деди гердайиб. "Қўлингиздан нима келарди. Боринг, қаёққа бориб айтсангиз, айтинг", - деди яна у паст тушгиси келмай. Онамнинг каттиқроқ танбеҳидан кейин у шаштидан тушиб, бирданига мулойим одамга айланиб қолди.

Буни қузатиб туриб, ҳайрон қолдим. Ўзи ёшгина йигит бўла туриб, бундай ҳужжатни қанақа қилиб қўлга киритган-у, кимга орқа этиб ўзини бунчалик эркин тутаркан, деб ҳайрон бўлдим. Агар ҳужжати чин бўлган тақдирда ҳам, сотиш мумкин эмаслигини айтиб ҳақиқат талаб қилаётган йигитнинг наҳотки ўзганинг молига тажовуз этиш бундан-да ёмон ва бориб турган разиллик эканлигига ақли етмайди?! Бундайларга Худонинг ўзи инсоф берсин, дейишдан бошқа иложимиз йўқ.

Мардона СОБИРОВА

"АДАБИЁТ ЯШАСА - МИЛЛАТ ЯШАР..."

Демак, адабиётга эътибор - миллатга эътибордир

Саховат

Бозор ўз номи билан бозор-да: кўп нарсалар асл баҳосини олмоқда. Жумладан, адабиёт ҳам.

Бундан 10-15 йил бурун битта китоб ёзиб қўйиб, қалам ҳақига "Жигули" миниб, гердайиб юрган ёзувчи бугун янги асари учун оладиган пули котибага етсаям шукр қилиб юрибди.

Шундай бир шароитда юртимизда, айниқса, "янги ўзбеклар" орасида ҳомийлик, саховат анъаналари тикланаётгани кишини қувонтиради, албатта.

Хотира ва қадрлаш куни олдидан "АлпЖамол" корпорацияси яна бир бор шундай эзгу ишга қўл урди. Бир пиёла чой устида бўлган суҳбатдан сўнг 90 га яқин ёзувчи, журналистга хайрия ёрдами кўрсатилди!

Албатта, бу ҳазилакам гап эмас. Бу ҳақда кўп ва хўб ёзиш ҳам мумкин. Аммо биз қуйида ушбу корпорация раҳбари Муҳиддин Асомиддиновнинг таниқли қаламкашлар ҳузурида айтган дил сўзларини келтириб ўтиш билан кифояланамиз.

Ассалому алайкум, қадрону сўз усталари, таниқли адиблар! Элда гап бор: ота-онангни кўрганлар ўлмасин. Мўйсафид, пири бадавлат ёзувчиларни кўрганимда худди раҳматли қиблагоҳим Алп Жамолни кўргандай бўламан.

Азизлар! Шунча ёшга кириб, ёзув-чизув орқасида бой бўлган одамни кўрмадим. Сизлар бошқа тарафдан

ғанийсиз, бой-бадавлатсиз. Жамият Сиз ҳазрати инсонларни энг мўътабар зот - халқ мураббийлари деб билади.

Оддий тадбиркор тили билан айтайин. Ардоқли Президентимиз ва йўлбошчимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг пировард мақсади нима?

Юрт тинчлиги. Ободончилик.

Элни маъмур ва сероб қилиш.

Мамлакат фаровонлиги.

Одамларнинг соғлом ва кучли бўлиши.

Миллий ва диний қадриятларимизни тиклаш.

Ўзбекистонни келажаги буюк давлатлар қаторига қўшиш, ўша келажакни - бугунги кунимизга кун сайин, соат сайин яқинлаштириш.

Ҳар бир халқ ўз раҳнамосига муносиб, дейишади. Ўзбек халқи ўзининг мард, шижоатли, доно йўлбошчиси, Президент Ислом Каримовга қанчалик монанд бўлса, ўзбекнинг ўзидай валломат Президентимиз ҳам ўз халқига шунчалик содиқ ва муносиб. Ул жаноби олийларига барқарор сиҳат-саломатлик, битмас-туганмас ғайрат-шижоат, дориломонлик ва яхши кайфиятлар тилаб қоламиз.

Биз тадбиркорларни моддий бойликларни яратувчилар ҳамда ҳаракатга келтирувчилар қаторига қўшадилар. Жуда тўғри. Бироқ биз яхши тушунамиз: фақат қорин, ноз-неъмат, уст-бош, мол-ҳол, ҳовли-ҳарам, қимматбаҳо безаклар, олтину ғавҳар тақинчоқлар билангина инсон бахтли бўлолмайди. Моддий неъматлар қалб гавҳари, иймон-эътиқод, илм-фан, маданият, она тилининг устиворлиги, санъат, тарбия, мактаб-маориф, ахлоқ-одоб билан қўшилгандагина қутилган яхши натижани беради.

Сизлардан бир илтимосим бор: ҳозирги кунда Президентимиз Ислом Каримовнинг халқ фаровонлиги учун қанчалар катта ишлар қилаётганларини ва мустақил Ўзбекистон давлатимизнинг жаҳон миқёсида обрў-эътиборини жуда ошираётганларини сизлар халқ онгига сингдиришингизни сўрайман. Сизлар турли экстремистик гуруҳлар - ваҳҳобийлар гуруҳи ва "Ҳизбут таҳрир" кабиларнинг қилаётган ишлари халқ учун қанчалар катта фожиага олиб келишини ўз қаламингиз орқали очиб ташлашингиз керак.

Жаноблар! Топган - гул келтирар, топмаган - бир боғ пиёз, дейдилар. Оллоҳ таолонинг марҳамати ва меҳрибончилиги билан Сиз адибу-уламоларга бераётганим "сайил харжи"ни оз бўлса-да, кўп ўрнида кўрарсиз, деб умид қиламан. Ўзимнинг энг яхши тилак-истакларимни йўллайман.

Муҳиддин АСОМИДДИНОВ

ЙЎҒ-Э! *Эътиқодсизлик ҳам эътиқод*

Тафтиш

ЭТИЛГАН ҲАҚИҚАТ

Уни тиклаш учун роппа-роса 310 кун керак бўлди

Даврон ОРИПОВ,
"Ҳуррият"нинг махсус мухбири

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноий ишлар бўйича судлов ҳайъати Сурхондарё вилоят судининг 1998 йил 3 февраль ҳукмига кўра Жиноят Кодексининг 241-модда 2-қисми, 210-модда 3-қисми "б" бандига асосан 11 йилга озодликдан маҳрум этилган Аҳадов Бедил Мўминовичга тегишли жиноий ишни кўриб чиқди. Олий суд маҳкумнинг жиноий ҳаракатини ЖКнинг 207-модда 1-қисмига қайта малакалаб, вилоят суди ҳукмини ўзгартирди ва унга уч йил ахлоқ тузатиш жазосини тайинлади. Республика Президентининг 1997 йил 3 декабрдаги "Амнистия тўғрисида"ги фармонига кўра Б.Аҳадов жазони ўташдан озод қилинди.

Бедил Аҳадов эндигина 26 баҳорни қаршилаган бўлишига қарамай Республика Марказий банки Сурхондарё вилоят Бош бошқармаси валюта-иқтисод бўлимида биринчи тоифали иқтисодчи вазифасида ишлаб келарди. У 1997 йилнинг 23 январида Бошқарма бошлиғи А.Н.Худойқуловнинг топшириғига биноан Термиз Миллий банки носавдо операциялари бўлими бош иқтисодчиси Зафар Хонназаров билан бирга Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг Термиз шаҳар бўлимига қарашли, Ўзбекистон-Тожикистон чегарасида жойлашган божхона постининг "Чумчуқлижар" пул айирбошлаш шохобчасининг иш фаолияти олиб боришга тайёргарлик ҳолатини текшириш учун жўнатилади.

Б.Аҳадов ва З.Хонназаров 1997 йилнинг 23 январь куни шохобчанинг иш фаолиятини назоратдан ўтказадилар. Текшириш жараёнида шохобча умуман қаровсиз аҳволда эканлиги, эшик-деразалар қулфланмаслиги, темир қоплама, огоҳлантирувчи тизим, сейф, телефон-алоқа воситалари мавжуд эмаслиги, шунингдек, хазиначилар кунлик тушумларни банк муассасасига топширмай ёнларида сақлаб келаётганлиги аниқланади. Аниқланган камчиликлар ҳақида шу ернинг ўзида далолатнома тузилади. Шохобча рухсатномасиз, ноқонуний фаолият кўрсатаётганлиги, бу эса Республика Марказий банкининг "Пул айирбошлаш шохобчалари тўғрисида" ҳамда "Пул айирбошлаш шохобчаларини рўйхатга олиш тўғрисида"ги йўриқнома талабларига мутлақо жавоб бермаслиги далолатномада тўлиқ қайд этилади. Бу ҳақда Б.Аҳадов томонидан 1997 йил 24 январда Бош бошқарма бошлиғи А.Н.Худойқуловга зудлик билан ёзма ахборот киритилади. Ҳатто Б.Аҳадовнинг текшириш якунларидаги ҳолатлар республика Марказий банки раиси ўринбосари А.В.Акмалов имзоси билан юборилган алоқа хатида ҳам алоҳида таъкидланиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш борасида совуққонликка йўл қўйилаётганлиги кўрсатилган.

Демак, ўз ишига масъулият билан қараган банк ходими тақдирланиши, ҳеч бўлмаганда тегишли идоралар зудлик билан "Чумчуқлижар"даги аҳволни бартараф этишга киришишлари лозим эди. Аммо орадан икки ой ўтиб кетган бўлса-да, шохобчадаги шарт-шароитни тузатиш ҳеч кимнинг хаёлига келмайди...

1997 йил 6 март куни шохобча хазиначи ва назоратчилари Б.Кўчқоров, А.Қурбонов ва Ш.Нурбоевлар хазинадаги АҚШ долларларини банкка келтириб топширадилар. Шундан сўнг хазинада анча камомад борлиги аниқланган бўлишига қарамай, негадир сирли равишда бу гал ҳам "Чумчуқлижар"ни молиявий тафтиш қилиш орқага сурилади. Орадан яна етти кун ўтгач - 13 март куни, яъни Б.Аҳадов шохобчанинг иш фаолиятига тайёргарлик ҳолатини (эътибор беринг, молиявий аҳволини эмас. - Д.О.) текширгандан роппа-роса 52 кундан сўнг (!) Термиз шаҳар Миллий банки ходимлари Б.Тўраев ҳамда Х.Жабборовлар "Чумчуқлижар"да молиявий тафтиш ўтказадилар. Тафтиш давомида шохобчада нақд чет эл валютаси ҳисоб-китоблари бўйича 24200 АҚШ доллари камомади аниқланади. Натижада бир неча шахс устидан жиноят иши қўзғатилади. Оқибатда, гувоҳнома йўналиши бўйича молиявий тафтиш қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган ва умуман шохобчадаги жуда катта миқдордаги камомаддан бехабар Б.Аҳадов ҳам сирли равишда қўлга олинади ва тергов жараёнида унга нисбатан юқоридаги айблов хулосаси қўйилади. Гўё Б.Аҳадов текшириш жараёнида камомадни билган ва бу камомадни яшириш эвазига хазиначи Б.Кўчқоровдан... 500 АҚШ доллари миқдорида пора олган.

Мутлақо бошқа йўналиш бўйича текшириш олиб борган Б.Аҳадовнинг мазкур жиноий ишга алоқадор айби борми?

Келинг, энди шу саволларга жавоб топиш учун аввал мутахассис ва адвокатлар фикрига қулоқ солайлик:

"... Мен банк мутахассиси сифатида Аҳадов Бедил "Чумчуқлижар"да ўтказган текшириви давомида, яъни бир кунда шохобча фаолиятини молиявий таҳлил қилиш ва камомадни аниқлаш мумкинлиги фактига қўшилолмайман. Судда ҳам шу фикрни айтганман. Чунки камомадни аниқлаш учун камида 3-4 кун керак бўлади. Бунинг учун аввал шохобчадаги кирим-чиқим ҳужжатлар, қайд этиш дафтарчасини текшириб чиққач, Термиз Миллий банкига келиб моддий жавобгар шахслар иштирокида валюта солинган ва муҳрланган (пломбаланган) махсус халтачаларни очиб, нақд валюта, ҳужжатлар ҳамда банк квитанцияларини солиштиргандан кейин камомадни аниқлаш мумкин. Бу халтачаларни фақат банкнинг ўзида Миллий банк ходимлари очишга ҳақлидир. Б.Аҳадов эса халтачаларни очиши амалда мутлақо мумкин эмас.

Б.Сатторов,
Термиз Миллий банки собиқ бошқарувчиси".

"... Банк мутахассислари Б.Сатторов, Б.Тўраев, ва Эгамовларнинг ҳар галги кўрсатмаларида Б.Аҳадов ва З.Хонназаровларнинг ўз йўналишлари бўйича иш кўрганликларини ва улар Б.Кўчқоровнинг камомади борлигини билишлари мумкин эмаслигини ҳужжатлар асосида исботлаб бердилар. Тергов ишлари банк мутахассисларининг иштирокисиз ўтказилиб, ҳар икки гумондорга ғайриқонуний айб қўйилган. Ваҳоланки, тергов ишларига банк мутахассисларининг хулосалари бирламчи (Б.Аҳадовга тегишли қисмига) ҳужжат асосида киритилиши лозим эди.

А.КАРИМОВА, ҳимоячи".

Суд ҳукми ва тергов хулосаларида Б.Аҳадовнинг Б.Кўчқоровдан пора олган жойи, вақти аниқ соатларгача кўрсатиб ўтилган. Қилни қирқ ёрувчи қонун посбонлари пора олиш тафсилотларини шу даражада тўғри аниқлаб, таҳлил қилишган эканлар, унда қонун тақозо этадиган далилий ашёлар, экспертиза хулосалари, жумладан, пора сифатида олинган 500 АҚШ доллари қани? Мен дастлабки суд қароридан кейин худди шу англашилмовчилик ҳақида вилоят суди раиси Н.Сатторовга мурожаат қилганимда: "Баъзи ҳолларда гувоҳларнинг берган хулосалари ҳам пора олишда айблаш учун асос бўлишига қонун йўл қўяди", деган жавобни олдим. Тўғри, амалдаги қонунлар бунга йўл қўяди, қачонки гувоҳлик беғараз ва аниқ берилсагина...

"...Дастлабки терговда хазиначи Б.Кўчқоров Б.Аҳадов камомадни аниқлаб, уни яшириш мақсадида 500 доллар пора олганлигини кўрсатма беради. Аммо суд жараёнида Б.Кўчқоров терговчи унга тазйиқ ўтказиш йўли билан Б.Аҳадовга қарши кўрсатма ёздириб олганлигини қайта-қайта таъкидлади" (адвокат А.Каримованинг ҳимоя сўзидан).

Ушбу фикрлар ҳақиқатга яқин эканлигини исботловчи далилий ҳужжат эса тергов ҳужжатларида ҳам, суд жараёнида ҳам эътиборга олинмаган кўринади. Жумладан, хазиначи-назоратчилар Б.Кўчқоров, Ш.Нурбоев ва А.Қурбоновлар 1997 йил 15 март куни якунланган тафтишдан (камомад аниқлангандан) кейин ўз қўллари билан тафтишчиларга ёзиб берган **тушунтириш хатларида катта миқдордаги камомадларини илгари умуман сезмаганлари, фақат мазкур тафтиш якунидан кейин, яъни 15 март куни билганликларини қайд этадилар.** Шу ўринда ғайритабиий ҳолат юзага келади: Агар ҳар учала хазиначи 15 март кунигача камомадлари борлигини билишмаган (?) бўлса, **унда 23 январь кунида ўзлари билмаган камомад учун пора беришган эканлар-да! Мантиқ қани?!**

Энди Б.Аҳадовга пора сифатида "берилган" 500 АҚШ долларининг жиноий ишга киритилиш тафсилотларига ҳам эътибор қилайлик.

Суд жараёнида Шарғун Саноатқурилишбанки (айнан шу банк шохобчадаги валюта тушумини вақтинчалик сақлашни шартнома асосида ўз зиммасига олган эди) бўлим иқтисодчиси Р.Зиёдуллаев Б.Кўчқоров ундан 500 доллар қарз олганлигини кўрсатма беради.

"...Судья М.Ҳамроев Р.Зиёдуллаевдан маошингиз 1200 сўм экани ҳолда 500 долларни қаердан олдингиз, ахир бу катта пул-ку?", деди. Р.Зиёдуллаев аввалига отасининг Ҳаж сафарига олиб қўйган пулларини Термиз Миллий банкида алмаштиргани, бир оз фурсатдан кейин эса фикрини ўзгартириб, Самарқандга бориб алмаштириб келгани, сўнгра бу долларни номаълум кампирдан олгани, у ҳозир номаълум томонга(!) кўчиб кетганлигини таъкидлаб, судни чалғитишга ҳаракат қилди. Шундан сўнг унинг ўзи Б.Кўсқоровдан 1050 доллар қарздор эканлигини тан олди. Шунда судья М.Ҳамроев суд залида унинг паспортини олиб қўйди ва Ўзбекистон ЖКсининг 167-моддаси бўйича айбдорсиз дея баралла эълон қилди. Аммо Р.Зиёдуллаев суддан осонгина қутулиб кетди..." (Бедилнинг отаси М.Аҳадовнинг Олий судга ёзган шикоятидан).

Дарвоқе, на терговчи Х.Шернаев, на суд ҳайъати аъзолари Р.Зиёдуллаевга 500 АҚШ долларини қарзга берган "сахий кампир"нинг шахси билан қизиқиб кўрмадилар. Тайинли яшаш жойи ҳам, исм-шарифи ҳам аниқланмаган ушбу "кўринмас гувоҳ" агар ҳақиқатан ҳам бор бўлганида нега у гувоҳ сифатида суд мажлисига таклиф этилмади, нега унинг шахси аниқланмади? Мантиқан ўйлаб қаралса, пора сифатида бериш учун олинган 500 долларнинг ҳақиқий эгаси топилганида масалага ойдинлик киритиш анча осонлашган бўлмасмиди?

Тергов ва суд жараёнида Р.Зиёдуллаев шахси ҳам умуман эътибордан четда қолгани анчайин шубҳали туюлади. Биринчидан, Б.Кўчқоровга берилган 500 долларни қайси манбадан олганлигини судда бу қадар чалкаштириш Р.Зиёдуллаевга нима учун керак бўлди?

Иккинчидан, "Чумчуқлижар" пул айирбошлаш шохобчасидаги валюта тушумларини ўз банкида вақтинча сақлашда мутасадди бўлган банк мутахассиси бўла туриб, ушбу **валюталарни вақтида банк муассасасига топширмаслик жиноят эканлигини билгани ҳолда хазиначидан 1050** долларни қарзга олиб ўз шахсий манфаати учун ишлатиб юборганлиги катта жиноят эмас эдими?

Пул айирбошлаш шохобчасини молиявий тафтиш қилгандан кейин 24200 АҚШ доллари миқдорида камомад 15 март кунида тузилган далолатномага сўзма-сўз киритилган. Албатта, тафтиш маълумоти мутахассислар томонидан ўтказилган. Гўё эътирозга ўрин йўқдек. Қолаверса, ушбу далолатнома тергов ва суд ҳужжатларига тиркалган. Қарийб бир ярим йил давом этган тергов ва суд мажлислари жараёнида бу далилий ҳужжат бир неча ўн маротаба қўлдан-қўлга ўтгани, ўқиб эшиттирилгани шубҳасиз. Ушбу мақоладан сўнг баъзи бир эътирозларга ўрин қолдирмаслик мақсадида мен бир неча "ишончли" қўллардан ўтиб, суд ҳукми матнига киритилган ушбу аниқ рақамларнинг барчасини мақолага кўчиришни лозим топдим.

Қани, қайта ҳисоблаб кўрайлик-чи, мазкур рақамлар йиғиндиси 24200 доллар чиқармикан?

Хуллас, 1996 йилнинг 10 октябридан 1997 йилнинг 12 январигача шохобчада аниқланган камомад қуйидагича: 900; 450; 750; 450; 300; 150; 570; 300; 900; 1950; 600; 1050; 1050; 1650; 600; 300; 900; 900; 1200; 2100; 2400; 2000; 1250; 1000.

Минг марта қайта ҳисобласангиз ҳам бу рақамлар йиғиндиси 23720 дан ошмайди. Камомаднинг устига 480 доллар ортиқча қўшиб юборган жаноб тафтишчилар ҳатто АҚШ долларини сўм курси билан қайта ҳисоблашда ҳам кўпол хатога йўл қўйганлар. **Улар 5-23-25 октябрь кунларида тушган 2670 АҚШ долларини ўзбек сўмига айлантириш чоғида 13659 сўм ортиқча ҳисоблаб юборганлар.** Инсон тақдири ҳал бўлаётган бир пайтда бундай эътиборсизлик ва шошма-шошарлик ҳақиқатни аниқлашдан кўра бировни ноҳақ айблашга кўпроқ хизмат қилиб қўйиши мумкинлигини тажрибали судьяларимиз нахотки билишмаган бўлса?..

Яхшики, республика Олий суди вилоят суди кўра олмаган адолатни вақтида тиклади. Б.Аҳадовдан "порахўр" деган тамғани олиб ташлади. Аммо унгача Аҳадовлар оиласи бой берган маънавий-иқтисодий йўқотишлар-чи?! Қарийб беш ярим ой давомида белгиланган 27 та суд мажлисидан 15 таси турли баҳоналар туфайли ўтказилмади. Термиз, Сариосиё шаҳарларига, ўтмай қолган суд мажлислари деб бутун оила-аъзолари билан тинимсиз қатнашнинг ўзи бу ҳонадон учун бир неча юз минг сўмга тушди?! Иқтисодий зарар-ку ўз йўлига, аммо эндигина оила қурган йигит, унинг маъсума аёли қалбида қолган жароҳат азоблари учун ким жавоб беради?

Мазкур жиноят иши бўйича бир неча кишига айбдор сифатида ҳукм чиқарилди. Аммо биз фақат Б.Аҳадов ва унга нисбатан чиқарилган ҳукм ҳақида ўз нуқтаи назаримизни билдиряпмиз. Зеро, кўзлаган мақсадимиз ҳам шу. Чунки суд жараёнининг бошланишиданоқ "Чумчуқлижар"даги камомадга мутлақо алоқаси бўлмаган, эртанги кунидан умидлари катта бўлган ёш банк мутахассисига қўйилган ноҳақ айблов хулосаси эътиборимизни тортган эди. Бизнингча, Бедилнинг ушбу жиноий ҳаракатга тортилиши "Чумчуқлижар"да уч-тўрт йил ичида аста-секин маддалаб келган қонунбузарлик ҳолатларининг асосий айбдорларини хаспўшлаш бўлган кўринади. Тергов ҳам, суд жараёни ҳам бу ҳақиқатдан кўз юмган.

Таҳлилларимга ушбу мулоҳазаларни асос қилмоқчиман.

Биринчидан, икки давлат ўртасидаги чегара божхона постида жойлашган пул айирбошлаш шохобчасининг бир неча йилдан буён тегишли қонун асосидаги рухсатномасиз ишлаб турганлиги учун кимлар айбдор? Давлат аҳамиятидаги бу ишга совуққонлик билан қараган мутасаддилар нима сабабдан суд залига чақирилиб, уларга нисбатан жазо чоралари қўлланилмади?

Иккинчидан, банк мутахассислари бўла туриб шохобчадаги нақд валюталарни вазифасини суиистеъмол қилган ҳамда хазиначилар тажрибасизлигидан фойдаланган ҳолда қарзга олган ва шахсий манфаати йўлида талон-тарож қилган шахслар камомадга йўл очиб берган асосий айбдорлар сифатида одил суд олдида жавоб беришлари лозим эмасмиди?

Учинчидан, Б.Аҳадов ҳамда З.Хонназаровлар шохобчани текшириш жараёнида аниқлаган камчиликларни зудлик билан бартараф этиш чора-тадбирлари нега узоқ вақт пайсалга солинди? Б.Аҳадовнинг Бошқарма бошлиғига киритган огоҳлантирувчи маълумотномасидан сўнг тезда шохобчадаги шарт-шароит талаб даражасига келтирилса масала бу даражада чигаллашиб кетмас, бинобарин, адолатни тиклаш ҳам бу қадар оғир кечмасди, балки.

Тўртинчидан, тергов жараёнида нима сабабдан камомад аниқланган тафтиш натижалари қолиб шохобчадаги шарт-шароитларни текшириш якунлари ва бу ишни амалга оширган мутахассислар иши асосий ҳужжат сифатида қабул қилинди?

Фикримизча, Олий суд ўз иши жараёнида аввало мана шу саволларга ҳам жавоб топишга ҳаракат қилса адолатдан бўлармиди?!

Кекса педагог, ноҳақ айб тақалган фарзанди тақдирига куйиб Олий суд Маҳкамасигача бош урib борган Мўмин ака Аҳадовнинг айтганларидек, узоқ кутилган адолат тикланиб, ноҳақликка барҳам берилди. Аммо, мазкур жиноят ишининг Бедил Аҳадовга тегишли қисмини нотўғри малакалаштирган терговчи ва судьяларнинг хатти-ҳаракатларини қонунларимиз қандай баҳоларкан?! Бинобарин, қонун ҳамма учун бир бўлар экан, адолат тарозисининг иккинчи томонига ушбу фикрлар ҳам қўйиб кўрилса ёмон бўлмасди.

МАҚОЛА ЁЗИШГА ШОШМАНГ!

Раддия

"Ҳуррият" газетасининг шу йил 14 апрель сонида "Ишлашга имкон беринг, яхшилар!" номли мақола "Мактуб" рукни остида эълон қилинди. Афсуски, мақола ва унда келтирилган фактлар тўла ва объектив текширилмагани ҳолда чоп этилибди...

Мен, ўша мактуб-мақола "қаҳрамони" М.Нуралиева 25 йилдан ортиқ доришунос тажрибасига эгаман, кейинги 10 йил мобайнида олий тоифадаги доришунос сифатида "Ал-Розий" номли 1-сон дорихонасида фаолият кўрсатдим. 1998 йил 30 июнда дорихона маъмурияти томонидан асоссиз равишда УзР МКни 100 м. 2 қ.4-бандига асосан вазифамдан бўшатишди. Бўйруқда ўз хизмат вазифамни бир марта қўпол равишда бузганлигим кўрсатилмаган. Ваҳоланки, 30 июнь куни "больничний"да эдим. Бу "Меҳнат кодекси"нинг 100-модда 3-қисми талабларига зид эди.

Агар жамоа дорихонаси буйруқлар китобини варақласангиз 1995 йил 26 июндан то 1998 йил 26 июнгача менга нисбатан бирор марта ҳам интизомий жазо берилмаганига амин бўласиз.("Дори-дармон" ДАУ раиси Н.Тошпўлатовнинг жавоб хати, 1998 йил 20 июль)

Аслида менинг вазифамдан озод этилишимга дорихонада йўл қўйилаётган қонунбузарликлар ва уларга нисбатан раҳбарият томонидан хотиржамликка берилиши борасидаги аччиқ ва очиқ танқидий фикрларим сабаб бўлган.

Жумладан, дорихона хусусийлаштириш жараёнида (1994 й.10 май) қатор қонунбузарликларга йўл қўйилди, оқибатда 48 та ходимнинг ҳуқуқлари бузилди. Уша ҳуқуқлари бузилган ходимлар қаторида мендан ташқари М.Бобоева, Г.Ғуломова, Д.Мирзаахмедовалар ҳам бор.

Табиийки, биз бундан норози бўлиб, турли идораларга аризалар ёздик. Аризаларимиз асосида Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан текшириш ўтказилиб, хусусийлаштириш ордерини ҳақиқий эмас деб топиши ва бошқа талаблар ҳақида Тошкент шаҳар хўжалик судига даъво ариза берди. Прокуратуранинг даъвоси шаҳар хўжалик судининг (судья И.Насриев) 26.03.1999 й. кунги қарорига асосан рад этилди.

Бу қарор устидан прокуратура томонидан апелляция тартибида протест киритилди. Шунингдек, мактуб-мақолада билдирилган фикрга қарши ўлароқ, Тошкент шаҳар бўйича Назорат тафтиш бошқармаси текширувида (10.11.98й) бизнинг аризада кўрсатилган қонунбузарликнинг деярли барчаси ўз тасдиғини топган.

Бу орада мен ишга тиклаш ва бекор юрган вақтларим учун ҳақ ундириш тўғрисида даъво билан судга мурожаат этдим. Ҳақиқатда Яккасарой туман суди (судья У.Абдумуратов) 9.12.1998й. кунги қарори билан менинг даъво аризам рад этилди. Аммо менинг кассация шикоятимга асосан, фуқаролик иши Тошкент шаҳар судида кўрилиб (25.02.1999й.), Яккасарой туман суди чиқарган қарорни бекор қилди ва ишни қайта кўриш учун айни шу туман судининг янги таркибига юбориш ҳақида ажрим чиқарди.

Ажабланарли томони шундаки, менинг даъво аризам туман судида 16 апрел куни кўрилаётган бир пайтда 1-дорихона раҳбарияти судни чалғитиш мақсадида "Ҳуррият" газетасида мақола эълон қилдилар... Шунингдек, "Ишлашга имкон беринг, яхшилар!" мақоласида бизнинг кўплаб ариза ёзаётганимизга алоҳида урғу берилади. Таъкидлаб айтамизки, ёзган аризаларимиз асоссиз эмас. Буни "Дори-дармон" уюшмаси томонидан текширув (29.06.1998 й.) ўтказилиши натижасида, "Ал-Розий" дорихонаси жамоаси раиси Х.Абдуллаев ишдан бўшатилди, қасаба уюшмаси раиси, фитобар бўлими бошлиғи М.Низомова ишлари қониқарсиз экани, 12 турдаги дори-дармонлар назорат-таҳлил текшириви ва Фармқўмита рўйхатидан ўтказилмаган ҳолда сотилгани аниқланганидан ҳам билса бўлади.

Эҳтимолки, жамоа раиси М.Шожалилова, ўринбосари З.Абдуллаева, тижорат бўлими бошлиғи С.Сирожиддинова, унинг ўринбосари М.Маннонова, Э.Қамбарова ва бошқалар ўзларининг қўпол хато ва камчиликларини хаспўшлаш мақсадида газетага мақола беришга шошилишгандирлар? Бундан ташқари Яккасарой туман СЭСи томонидан тозалик-гигиена қоидаларига риоя этилмагани учун 1-сонли дорихона фаолияти вақтинчалик тўхтатилиб, доришунос Х.Тошхўжаевага жарима солингани ҳам факт-ку?! Бу ҳақда ўтган йилнинг 27 ноябрида эфирда кетган "Мавзу" кўрсатувида ҳам танқид остига олинган.

"Ҳуррият" газетаси Бош муҳаррири! Юқорида баён этилган ҳолатлардан кўринадики, бизнинг низо бўйича ҳали суднинг қонуний қарори чиққани йўқ. Шунга қарамай дорихона маъмуриятининг бир томонлама ёзилган мактуби газетада чоп этилиб, мени обрўсизлантиришди. Шу боис "Ишлашга имкон беринг, яхшилар!" мактуб-мақоласига нисбатан ушбу раддиямни эълон қилишингизни сўрайман.

М.НУРАЛИЕВА,
Олий тоифали доришунос,
Тошкент шаҳар "Ал-Розий" номидаги 1-дорихонанинг собиқ ходимлари
М.Бобоева,
Д.Мирзаахмедова

ТАҲРИРИЯТДАН: "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги қонуннинг 3-моддасида "Ҳар ким оммавий ахборот воситаларида чиқиш, ўз фикри ва эътиқодини ошкора баён этиш ҳуқуқига эга"лиги белгиланган. Шу қонуннинг 26-моддасида "Таҳририятга келган хатларни эълон қилишга тайёрлаш чоғида мазмунини бузмаган ҳолда уларнинг матнини қисқартириш ва таҳрир этишга йўл қўйилиши" кўрсатилган. Буларни алоҳида келтиришдан мақсад, 1-сон дорихона ходимлари мактуби унга илова қилинган ҳужжатлар асосида кўриб чиқилиб, сўнг эълон қилинди. Демоқчимизки, 1-дорихона ходимларининг фикри - таҳририят фикри эмас! Эълон қилинган мақола М.Нуралиевада эътироз туғдирган экан, мана, юқоридаги қонун талабларига кўра (27-модда) раддияси эълон қилинди.

Хўш, бу ўринда таҳририятнинг вазифаси нимада?

Табиийки, таҳририятни айбсиз, дейиш ҳам қийин. Сабабки, можаро хусусида суднинг қонуний кучдаги қарори ҳозирча йўқ. Чиққани ҳам юқори босқич суди ажрими билан бекор қилинган. Айни ўша ажрим таҳририятга илова қилинмагани боис ўртада туғилган тушунмовчилик оқибатида "Ишлашга имкон беринг, яхшилар!" мактуб-мақоласи газетада чиқиб кетишига сабаб бўлди. Аммо бундан қатъий назар, аввал ҳам айтганимиздек, таҳририят ҳақиқат посангиси ким томонида экани бўйича ўртада ҳакамлик қилмайди. Биз яна бир бор таъкидлашга мажбурмиз - "Ҳуррият" томонларнинг бирига ён бермаган, бермайди ҳам! Шу боис "Ҳуррият"да чоп этилган ҳар икки мақолани "таҳририят суд ишига аралашмоқда" ёки "судни чалғитиш мақсадида",дея талқин қилиниши мантиққа тўғри келмайди.

Таҳририятнинг мақсади битта: ҳар қандай жамоада аҳиллик ўрнатилса, бас. Шикоятбозликларга ўрин қолмасин.

КОГОНДАН БУХОРОГА БОРАЁТГАН ЭДИК

Ёки Бухоро вилояти давлат автомобил назорати бошқармаси масъул ходиминнинг "катта"лар буйруғини бажаргани ҳақида

Йўлда

Шу йилнинг 22 март куни хизмат тақозоси билан Когон шаҳридан Қоракўлга боришимга тўғри келди. Шукрки, ҳозирги кунда хизматингизга турли транспорт воситалари тайёр.

"Ниссан" русумли шахсий машинага ўтирдим. Йўловчилар билан тўлган енгил машинамиз Бухоро шаҳрига кириб келгач, ДАН ходими ҳайдовчига қўли билан ишора қилиб, четга ўтиб тўхташни буюрди. Ҳайдовчи ҳужжатларини олиб машинадан тушиб, тўхтатган ДАН ходими олдига борди. Яна икки ҳайдовчи ҳужжатларини қўлларига олиб, милиция капитани Рамазон Аҳмедов олдида гуноҳкорона туришарди. У ҳайдовчимиз ҳужжатларини қўлига олди-ю: "Йўловчиларингизни туширинг-да, орқамдан вилоят давлат автомобил назорати идорасига боринг", дея ўзининг шахсий 20 В 5665 давлат рақамли "Тико" машинасига шитоб билан ўтирди.

Тўғрисини айтганда, мен бу ҳолатни кўриб, ўрнимда ўтириб чидай олмадим. Машинадан тушиб бордим-да: "Айб-гуноҳи бўлса кечиринг, жаноб капитан, ё келишинглар... Ахир 10 ноғли йўловчи йўлда қолиб сарсон бўлмасин", дедим. Бўлмади. Ўзимни таништирганимдан сўнг, "Ҳа, майли, меҳмон экансиз, мен сизни юмшоқроқ енгил машинага ўтказиб кузатиб юбораман", деди-ю, ора-



дан бироз дақиқа ўтгач, Худо кўнглига раҳм солдими, ҳайдовчимизга қараб:

— Ҳа, майли, боравер, йўловчиларни Қоракўлга ташлаб, менинг олдимга қайтиб кел, — деди.

Мен машинага қайтиб келиб ўтирдим. ДАН ходими ҳужжатларни қайтариб берармикан, дея мен улардан кўз узмай қараб турдим. Иккалалари яна нималарнидир дейишди.

Биз енгил тортиб, йўлга тушдик. Ҳайдовчи ёнида яна бир йигит ва мен кетаётган эдик. Ёнимдаги йигит бора-боргунча дардини айтиб борди.

Мен ваъдамга биноан, 23 март куни Қоракўлдан Бухорога қайтгач, вилоят Давлат автомобил назорати идорасига кириб, Рамазон Аҳмедов билан учраштим. Очиғи, у мен билан ўз хонасида учрашишини сира кутмаган эди.

Суҳбатимиз чоғида у:

- Биз ҳам "катта"лар буйруғини бажарамиз-де, - деди.

Во ажабо, ўша куни милиция капитани жаноб Аҳмедов кимнинг буйруғини бажариш учун идорасидан кўчага чиққан экан?! Бухородан Қоракўлгача, чамаси, 150 километр масофани ҳеч қандай ҳужжатсиз - на техник паспорт, на ҳайдовчилик гувоҳномасисиз машинани ҳайдаш мумкинмикан?

Ва энг асосий гап шундаки, қўлида таёғи бўлмаган, кўкрак нишонсиз милиция капитанининг хоҳлаган ҳайдовчини тўхтатишга ҳаққи бормикан? Ахир, унинг вазифаси идорада ўтириб ишлаш эмасми?..

Яна бир савол: "Йўловчиларни машинадан туширib юбор, менинг орқамдан ДАНга юр", дейишга ҳаққи борми жаноб Аҳмедовнинг?

Ахир, машина носоз бўлмаса, ҳайдовчининг ҳужжатлари жойида бўлса!

Мен ДАН ходимининг бу қилмишидан Тошкентга қайтгунча таъсирланиб, ўйланиб юрдим. Бу воқеа сабабли танишган йигитларнинг уйига сим қоқиб: "Аҳмедовнинг олдига қайтиб бордингларми, нима бўлди?" деб сўрадим.

"Ҳаммаси яхши, ҳал бўлди", - деди ҳайдовчи ва ўша кунги ҳамроҳимиз Бахшулло исмли йигитнинг номидан ҳам салом айтиб, миннатдорчилигини билдирди. Суҳбат сўнгида: "Ака, бир келинг, яқиндан танишайлик", деди. Яна қўшимча қилиб:

"Муроса қилмасак, бизга кун йўқ", дея хайрлашди.

Мен Бухоро вилояти ДАН бошлиғи, милиция подполковниги Рустам Фатҳиддинович Носировни бўлиб ўтган бу воқеадан хабардор қилиб қўйишни лозим топдим. Ва "Ҳуррият" орқали у кишининг ҳам, газетхонларимизнинг ҳам фикр-мулоҳазалари маълум қилинади, деган умиддаман.

Камолиддин МИРЗААҲМЕДОВ,
радиожурналист

АЁЛГА ҲУРМАТ ШУМИ?

Хитоб!

Бу аёлнинг исми-шарифи Потма Матризаева. У киши Қорақалпоғистоннинг Элликқалъа туманидаги Тоза Амиробод фермерлар уюшмасининг 6-бригадаси ҳудудида истиқомат қилар эканлар.

Потма Матризаеванинг шикояти таҳририятимизга келиб тушганига бугун роппа-роса бир ой бўлди. Шикоят жуда тушунарсиз ёзилгани учун дастлаб унда айтилмоқчи бўлган мулоҳазаларни илғаш қийин бўлди. Шикоятга илова қилинган тиббий хулоса ва Сиз кўриб турган суратдаги ҳолатни кўриб, тушунганимиз шу бўлди:

Потма Матризаева Элликқалъа туманидаги Тоза Амиробод фермерлар уюшмасидаги "Оқ йўл" чорвачилик фермасида пудратчи бўлиб ишлар эканлар. 1998 йилнинг 16 июнь куни далада Сапар Хожаев деган яна бир одам (чамаси, у ҳам фермер бўлса керак - **таҳр.**) Потма опага: "Нега ишга чиқмаяпсан?"- дея дағдаға қилади. Аёл уч кунга табелчи Мадиёрдан жавоб олганини баён қилади. Шундан сўнг Сапарбой аёлнинг бошига бир шапалоқ туширib, бир неча марта тепади, Потмахоннинг қўлидаги ўроғини (чамаси, буғдой ўришга чиққан бўлса керак - **таҳр.**) "бу ерда ишлатмайман", дея куч билан тортиб олади. Натижада П.Матризаеванинг суратда кўриб турганингиздек, ўнг қўлининг бош бармоғи сўйилиб кетади. Рўзигул, Қурбонгул деган қизлар у кишининг қўлини боғламоқчи бўлганларида Сапарбой уларни ҳам итариб-туртиб ташлайди...

П.Матризаева олган жароҳати туфайли 1998 йилнинг 16 июнидан 6 июлигача касалхонада даволанади...

Шундан буён ўтган вақт мобайнида П.Матризаева ўзини урib, ҳақоратлаб, ҳатто тан жароҳати етказган Сапар Хожаевга нисбатан қонуний жазо кўришларини сўраб бир қанча тегишли идораларга кўплаб ариза ёзган бўлсалар-да, мутасаддилар бўлиб ўтган воқеани хаспўшлашдан нарига ўтишмаяпти...

Потма Матризаеванинг шикоят-аризасидан тушунганимиз шу. Ҳар не бўлган тақдирда ҳам Аёл муқаддасдир. Уйимизнинг тинчига ҳам, ҳаётимизнинг фаровонлигига ҳам Аёллар сабабчи. Қолаверса, Аёлни асраш, уларнинг ижтимоий муҳофазаси бугун Давлат сиёсати даражасига кўтарилган, бинобарин, 1999 йил АЁЛЛАР ЙИЛИ, деб эълон қилинди. Бас, шундай экан,Қорақалпоғистоннинг олис туманида яшовчи бир аёлнинг муаммоси (Потмахоннинг шикоятини ўрганиш шунчалар мушкулмикан?) ўзи истиқомат қилаётган ҳудуд раҳбарияти томонидан шу чоққача ечилмасдан Республика миқёсига чиқиши, юмшоқ айтганда, УЯТ ЭМАСМИ?

ТАҲРИРИЯТ

ИПАК ЙЎЛИНИНГ ТИКЛАНИШИ

Президентимизнинг Вашингтон учрашувлари

Шарҳ

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўлидан оғишмай бораётгани дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Бунинг исботи ўлароқ жаҳон мамлакатларининг давлатимиз сиёсатига бўлган холисона муносабатларини таъкидлаш жоиздир. Шунингдек, Ўзбекистоннинг ўзга мамлакат ички сиёсатларига аралашмаслик, хорижий давлатлар билан фақатгина тенг ҳуқуқли ва тенг манфаатли алоқалар ўрнатаётганлиги диққатга сазовордир.

Кўпдан бери дунё ҳамжамиятини қизиқириб келаётган Буюк Ипак Йўлини қайта тиклаш ғояси мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг НАТО ташкил топганига 50 йил тўлиши муносабати билан Вашингтонда бўлиб ўтган саммитдаги иштирокида асосий ўрин тутди. Бунинг далили сифатида 24 апрель куни АҚШ пойтахтидаги Ўзбекистон элчихонасида республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг Грузия, Украина, Озарбойжон ҳамда Молдова давлатлари раҳбарлари билан учрашувини ва мазкур учрашув натижаси ўлароқ, ушбу тўрт давлат ўртасида транспорт коммуникацияси, савдо-сотиқ ва қатор соҳаларда ўзаро ҳамкорликларни ривожлантириш мақсадида тузилган иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига Ўзбекистоннинг бешинчи аъзо бўлиб кирганлигини айтишимиз мумкин.

25 апрель куни эса И.Каримовнинг Вашингтондаги "Рейган Билдинг" саройида бўлиб ўтган НАТО саммитининг ялпи мажлисида нутқ сўзлагани ҳамда айни шу куни АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт хоним билан учрашуви мамлакатимиз истиқболи учун муҳим аҳамият касб этди. Бўлиб ўтган мулоқот чоғида Ўзбекистон ҳамда Америка ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг бугунги аҳволи ва натижалари, сиёсий-иқтисодий муносабатларни янги поғонага кўтариш, шунингдек, минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Шимолий Атлантика блокига аъзо бўлган 19 давлат ҳамда у билан изчил ҳамкорлик қилаётган 23 мамлакат вакиллари иштирокидаги ялпи мажлисда бўлғуси асрда НАТОни ривожлантиришнинг умумий стратегиясини ишлаб чиқиш масаласи кўриб чиқилди. Ҳозирда мазкур Блок XXI аср хавфсизлигининг энг ишончли омилларидан бири бўлиб хизмат қилишга интилмоқда. Аъзо мамлакатлар сафини кенгайтириш ва ҳамкорлар билан тинчлик йўлидаги алоқаларни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани фикримиз далилидир.

Сафарга кетиш чоғида Ўзбекистон Президенти Амстердам шаҳрида Европа Иттифоқи Комиссияси комиссари Ханс Ван ден Брук билан, Америка пойтахтида эса АҚШ сенаторлари ҳамда конгресс аъзолари, Жаҳон банки раҳбари Ж.Вулфенсон, Халқаро Валюта жамғармаси вакили Ш.Сугисаки ва қатор нуфузли ташкилотлар раҳбарлари билан 3 кун давомида ўтказган ўндан ортиқ учрашувлари бўлғуси учинчи минг йилликка кириб бораётган мамлакатимиз тараққиёти йўлида муҳим амалий қадам бўлиб хизмат қилади. Шунингдек Президент Ислом Каримовнинг "Умид" жамғармаси томонидан Қўшма Штатларнинг олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ўзбек ёшлари билан бўлган суҳбати мамлакатимиз келажаги бўлмиш ёшларга бўлган эътиборни нақадар аҳамиятли эканлигидан далолат беради.

К.АЛИОХУНОВ

"ТИШЛАНГАН ОЛМА"

ёхуд "Apllе" технологиясини "ўзлаштирган" "Microsoft"

Компьютер

1976 йилнинг иссиқ ёз ойлари Калифорниянинг Лос-Альтос шаҳрида яшовчи 21 ёшли Стив Жобс 25 ёшли ўртоғи Стив Возняк билан уюлиб ётган темиртерсак, электрон деталлар ва бошқа ҳар хил майда-чуйдалар билан тўлган гаражда нималар биландир машғул эди. Уларни кўрган одамга шу икковлон бир неча йилдан сўнг миллиардлаб долларлик савдо қилувчи компаниянинг эгасига айланишади дейилса, ишонмаган бўларди. Икки дўст илк Apple компьютери устида ишлашаётган эди, ўшанда. Тақдир тақозосини қарангки, орадан беш йил ўтиб улар ташкил қилган компаниянинг ҳисоб рақамида 335 миллион доллар бўлган бўлса, 1987 йилга келиб бу маблағ 2 миллиарддан ошиб кетди.

Компания хўжайинларидан бири Стив Жобс Орегондаги Рид коллежида атиги бир семестр таҳсил олгандан сўнг, ўқишни ташлаб, "Атари" компаниясига ишга кирган. Иккинчи хўжайин Стив Возняк эса "комьютер жиннилари" дан бўлиб, "Хоумбру компьютер клаб" номли клуб ташкил қилган эди. Бу клубда ойда бир маротаба йиғиладиган қизиқувчилар ўзларининг ҳар хил фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашар эдилар.

Умуман олганда, бу бўлажак миллиардерларнинг характерлари бир-бирига мутлақо тескари бўлиб, уларни бирлаштириб турган нарса фақат ягона орзу - компьютер ясаш эди.

Кунларнинг бирида "қаҳрамонларимиз" компьютер савдоси билан шуғулланадиган дўкон эгаси билан танишиб қолишди. У киши бир неча компьютерга буюртма бергандан сўнг, икки Стивнинг иши юришиб кетди. Ишни бошлаш учун бошланғич капитал керак-лиги боис Жобс "Фольксваген" автомобилини, Возняк эса, илмий калькуляторини сотишга мажбур бўлди. 1977 йили уларнинг компаниясига янги шерик - Майк Мерккула қўшилди. У компанияга, асосан ўзининг пули ва бошқа ширкатлардаги танишлари билан ёрдам берди. Шундан сўнг Apple ҳақиқий компьютер кўринишини олиш арафасида бўлиб қолди. Вазиятни кўра билган Жобс компьютер кенг оммага мосланмагунча бозори чаққон бўлмаслигини тушуниб етди ва иккинчи лойиҳа Apple-II учун даромаднинг асосий қисмини сарфлашга қарор қилди. Компания фаолияти жадал суръатлар билан ривожланиб кетди.

Лекин ютуқлар билан бирга ташвишлар ҳам кела бошлади. Қутилмаганда, "Apple"нинг кучли рақиби ҳисобланмиш, ҳажм жиҳатидан салкам 130 баравар катта бўлган IBM компанияси пайдо бўлди. IBM ўзининг фаолияти билан "Apple" ни биринчи ўриндан суриб чиқарди. Бироз вақт ўтгандан сўнг эса ёмғирдан кейинги қўзиқорин сингари компьютер ишлаб чиқарувчи юзлаб компаниялар пайдо бўла бошлади. Рақобат кучайди, лекин Жобс таслим бўлмади. Яна янгилик устида ишлаш бошланди ва "Apple" нинг қимматбаҳо, лекин кенг тарқалмаган модели - "Лиза" дунёга келди. Бу компьютерда IBMда бўлмаган, ҳозирда компьютерларнинг ажралмас бўлаги бўлмиш "сичқон" пайдо бўлди. Сичқоннинг пайдо бўлиши компьютернинг нархини ошириб юборди. Бир куни фирма президенти билан юзага келган баҳсда Стив яккаланиб қолди ҳамда бошқарувдан четлатилди. Унинг ўрнини Америка компьютер компанияларида ишлаган тажрибали менеджерлар эгаллашди. Шундан кейин Стив Жобс бир неча қобилиятли ҳамфикрларини тўплади ва "Лиза"нинг "ука"си устида ишлай бошлади ва уни Америкадаги олманинг бир тури "макинтош" номи билан атадилар. Уч йил машаққатли меҳнат эвазига ниҳоят, 2500 долларлик компьютер тайёр бўлди.

1984 йилнинг январида "Макинтош" савдога чиқарилди. Қулай, арзон ва бежирим компьютер жамоатчилик ҳамда матбуотнинг эътиборини тортди. Бу "Apple"нинг "IBM"га, ёшлик ва мағрурликнинг қувват ва ҳайбатга чақириғи эди. Бу вақтга келиб компания раҳбариятида ҳам катта ўзгаришлар бўлди. Стив Жобс компания президенти этиб "Пепсико" фирмасининг раҳбари 44 ёшли Жон Сакиллини лозим топди.

"Макинтош"нинг кейинги такомиллашган моделлари вужудга келиши билан компаниянинг ишлари янада юришди. Биринчи бўлиб компьютерларга CD-ROM ўрнатишни ўшалар бошлаб берди.

1997 йил "Apple" фирмаси G3 моделидаги компьютерларини сотувга чиқарди. Шу йилнинг ноябридан 1998 йилнинг ноябригача "Apple" 1 миллион 600 минг Power-Mac G3, 800 минг дона iMac компьютерларини сотди. Ушбу iMac деб номланган компьютерларнинг пластик корпуси ўзига хос беш хил рангга бўялган.

Ниҳоят, бир неча йиллик судлашувлардан сўнг машҳур "Microsoft" компанияси Apple билан яраш шартномаси тузиб, бир қанча шартларни бажаришга ва кишибилмас усулда олинган технологиялар учун товон тўлашга рози бўлди. Стив Жобснинг "Microsoft билан келишмовчиликлар даври тугади", деган баёнотини кутмаган АҚШ мухбирлари Президент Билл Клинтондан бунга изоҳ беришни сўрашгача бориб етдилар.

Apple компьютерлари нашр ва аудио-видео ишларида энг қулай ҳисобланади. Ҳозирда "Вашингтон Пост", "Чикаго Трибюн", "Балтимор Сан", "АиФ", "Литературная газета", "Известия", "Огонёк" каби газета-журналлар, Рейтер, Ассошиэйтед Пресс, Франс Пресс, ИТАР-ТАСС, РИА Новости каби ахборот агентликлар, NBC, CBS, BBC каби телерадио-компаниялар Apllе компьтерларидан фойдаланишмоқдалар. Roxette, Pet Shop Boys, Aerosmith каби машҳур гуруҳлар музика видеоклипларини тайёрлашда "Макинтош"ни ишлатишмоқда.

"Юра даври парки" (Jurassic Park) фильмидаги динозаврларнинг ташқи кўринишини ҳам ушбу компьтер ёрдамида ясашди ва шу билан машҳур бўлиб кетган ўша фильм дунё юзини кўрди. Шуни айтиб ўтиш керакки, Европанинг янги пул бирлиги "Евро"нинг ташқи кўриниши ҳам айнан "Apllе" компьтерларида тайёрланган экан.

Ҳозирда "Apllе" компанияси бошқа компьютер фирмалари қатори Ўзбекистон, умуман Марказий Осиёда компьтер тармоғини ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда. Кейинги йилларда Ўзбекистонда бир қатор газета-журналларнинг бичими, безаги сифатининг кескин яхшиланиши бунга яққол мисол бўла олади.

Ёқуб УМАР

МАҒРИБУ МАШРИҚ

МИСР ШИФОКОРЛАРИНИНГ ТАШРИФИ

Тиббиёт

МДҲ давлатлари билан техникавий ҳамкорлик олиб бориш мақсадида Миср Республикаси ташқи ишлар вазирлиги ҳузурида ташкил этилган жамғарма Миср ва Ўзбекистон ўртасидаги турли соҳалар бўйича ўрнатилган ўзаро ҳамкорликнинг ривожига муносиб улуш қўшиб келмоқда. Жамғарманинг бу борадаги саъй-ҳаракатларининг узвий давоми сифатида яқинда Миср университетлари тиббиёт факультетларининг профессор-ўқитувчилари ва шифокорлардан иборат делегация икки мамлакат ўртасидаги соғлиқни сақлаш, табобат ва фармацевтика соҳаларида ўзаро ҳамкорлик борасида мамлакатимизга ташриф буюрди.

Делегация таркибида Мисрнинг "Ал-Мансура" университети тиббиёт фанлари доктори, профессор Одил Абдул Ғаффор, "Аз-Заҳазиқ" университети профессори Иброҳим Муҳаммад Мустафо, доктор Омар Ад-Дали, "Ал-Мансура" университети тиббиёт факультети профессори Ҳудая Аҳмад Надаа хонимлар бор эди.

Ташриф чоғида делегация аъзоларини иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институти ректори, профессор Х.Каримов қабул қилди. Меҳмонлар олийгоҳ аспирант ва талабаларига тиббиётга оид махсус маърузалар ўқидилар. Ташрифнинг иккинчи куни эса делегация аъзолари Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазири Феруз Назиров билан учрашдилар.

Учрашув чоғида икки мамлакат ўртасидаги тиббиёт, фармацевтика соҳаларини янада ривожлантириш, иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институти ва юқорида номлари зикр этилган Миср университетларининг тиббиёт факультетлари ўртасида ўқитувчи ва талабалар айирбошлаш борасида ҳамкорлик қилиш масалалари келишиб олинди ва иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институти ва Мисрнинг "Ал-Мансура" ва "Аз-Заҳазиқ" университетлари ўртасида амалий қадамларни ўз ичига олган икки томонлама ҳужжат имзоланди.

Булардан ташқари, меҳмонлар пойтахтдаги тиббиёт муассасаларига, Самарқанд давлат тиббиёт институтига ташриф буюриб, бир қанча мулоқотлар ўтказдилар ва мамлакатимиз кўрки ҳисобланмиш Самарқандннинг диққатга сазовор жойлари билан танишиб чиқдилар.

ҲИНДУДАН ЧИҚҚАН БАЛО

Тамаки

Маълумки, дастлаб тамаки чеккан одамни Христофор Колумбнинг матрослари 1492 йили Куба оролига қилган сафар вақтида учратган эканлар. Ўшанда ҳиндулар қандайдир ўсимлик баргини гулхан чўғига солиб, ундан чиққан тутунни узун най орқали ичларига тортиб чекарканлар. Улар фойдаланган ана шу най "табако" деб номланар экан. Франция элчиси Жан Нико 1460 йил қироличасига шу ўсимликни "шифобахш" ўсимлик дея тақдим этган. Кейинроқ эса тамаки ўз таркибидаги энг зарарли модданинг номи билан "Никотин" деб аталадиган бўлди.

Ҳозирда тамаки чекиш кенг тарқалгани боис, инсон соғлиги қолиб, экологияга ҳам катта хавф туғдираётгани сир эмас. Сўнгги йилларда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан бир қатор мамлакатларда чекишга қарши жиддий кураш тадбирлари ўтказилмоқда. Аҳоли айниқса, ёшлар ўртасида чекишнинг кенг тарқалгани, шунингдек, тамакини кишилар соғлигига етказаётган катта зарари инсониятни ўз оёғига ўзи болта ураётганидан далолат.

Сўнгги вақтга келиб сигаретларнинг тури ҳам кўпайиб кетди. Хавфсиз сигаретнинг ўзи йўқ. Олимлар фикрича, сигарет фильтри тахминан 40 фоиз никотинни ушлаб қолар экан, бироқ танага НС гази тушишини 28 фоизга ошираркан. Чекиш қувватни қирқади, хотирани пасайтиради, юрак касалликларини вужудга келтиради. Хусусан, никотин юрак томир тизимига халокатли таъсир қилади.

Чекиш фақат чекувчининг ўзигагина эмас, балки унинг атрофидагиларга ҳам салбий таъсир кўрсатиши табиий. Афсуски, ҳозирги пайтда теле-рекламаларда саломатлик кушандаси бўлмиш турли сигаретларни тарғиб қилиш ҳамон давом эттирилаётгани кишини таажжубга солади. "ХОН" ўзимизники!" деганга ўхшаш сигарет рекламаларига тегишли идоралар томонидан ҳалигача эътиборсизлик билан қаралаётгани ачинарлидир. Бутун жаҳон тамакига қарши курашаётган экан ўз ўрнида биз ҳам ҳиссамизни қўшмоғимиз лозим.

Абдунаби ОРИПОВ

ДАРАХТ ДАДАМ УСТИДАГИ

Ҳа-зил

Маргрет ШТЕЕНФАТТ

- Ойижон, дадам дарахтда ўтирибди!

- Бемаъни гапларни гапирмасанг-чи, даданг машинани ювяпти!

- Йўқ, ойижон, у дарахтда ўтирибди!

- Ҳазилингни қўйсанг-чи, ахир! Биз ҳозир даданг билан шаҳарга бормоқчимиз. Ишимиз жуда кўп.

- Ойижон, сизга ҳақиқатни гапираяпман. Дадам пастга тушмаяпти.

- Жаҳлимни чиқармасдан ташқарига чиқиб ўйнанглар! - деди онам ва эшикни қарсиллатиб қаттиқ ёпди.

- Ойим бизга ишонмаяпти! - деди Кристиан Сабинага. - Энди нима қиламиз?

- Ҳеч нима.

Менга бақувват қўлини қуришиш-тар экан.

у дегани, ўн тўққиз ёшли тошкен-йигит 100-бор немис "Мессерш-лари билан тўқнашиши керак. Топ-қ жиддий, сиз ҳам бирга учасиз. ндаги жангни ўз кўзингиз билан , жанговар очерк ёзасиз. Бу - буй-у заҳоти ҳарбий учувчи Абду-р Эшонқуловнинг мотори гуруллаб н ўқчи самолётига яқинлашдим. У ёнидаги ўқчи-радист ўрнига ўтка-епоён осмонга кўтарилди.

утлар орасида шундай кучли жанг и, асти қўяверинг. Мен ҳам тин-улемётимни сайратдим.Бир гала ершмит"лар қуршовида қолдик. аттор бир душман қирувчи само-жаҳаннамга жўнатди.Қолганлари

(Давоми 2-бетда)

Шовуллайди денгиз жимгина...

дан ошди. 1992 йилга келиб эса "Библия" таржима қилинган тилларнинг сони 1978 тага етди. Шу жумладан, 1992 йил Стокгольм Библияни таржима қилиш институти томонидан "Инжил" биринчи маротаба ўзбек тилига таржима қилинди. Маълумотларга қараганда, бугун ер юзида дарахт остига қўйишди ва овозини баралла баландлатиб:

- Дадажон, энди туша қолинг, ахир зўр криминал фильм беришаяпти! - деб қичқиришди. Аммо ҳамон тепадан ҳеч қандай садо чиқмади. Улар: "Ҳозир бу қилмишларимиз учун дадам дарахтдан тушиб бизни роса қалтакласалар керак", деб ўйлашган эди. Болалар қичқира-қичқира чарчашганда, қўлида катта сумка билан оналари пайдо бўлди. У бўёқлари кўчиб таниб бўлмас даражага келган машинани, қўлларида тош ушлаб дадалари томон отаётган болаларини ва ниҳоят дарахт устида ўтирган [illegible] тдан лигини" ва "буни сезиб қолганлигини", қиз христианликни тарғиб қилаётганини айтади. Аммо мақолада қизнинг бундай хатти-ҳаракатлари ҳақида бир оғиз ҳам сўз йўқ-ку! Бу саволларга мақоладан жавоб олишнинг эса иложи йўқ.

ИСОМИДДИН

ЙЎҒ-Э! *Аблаҳ одамлар ҳалол одамларни яхши кўрадилар*

ОЛТИ ЕТАКЧИ ПА

Сайлов

"Туркия" газетасининг етакчи ходими, ёзувчи Арслан Текин мамлакатимизда бир неча бор меҳмон бўлган ва ўз таассуротлари асосида матбуотда туркум мақолалар эълон қилган. У айни пайтда Ўзбекистон ва унинг одамлари ҳақидаги китобини нашрга тайёрламоқда.

Яқинда мамлакатимизда меҳмон бўлган А.Текин "Хуррият" газетасида ҳам мақолалари билан қатнашиш ниятида эканлигини билдирган эди. Қуйида унинг Туркияда бўлиб ўтган парламент сайловлари тўғрисидаги дастлабки мақоласини эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.

Парламент ва маҳаллий бошқарув идораларига 20 та партия иштирокида бўлиб ўтган сайловлар оммавий ахборот воситаларининг диққат марказида бўлди. Аммо ушбу партиялар ичида етакчи ҳисобланган 6 таси Туркия халқи томонидан тўла қўллаб-қувватланди. Булар - Она Ватан партияси (АНАП, раҳбари Месут Йилмаз), Тўғри йўл партияси (ФП, раҳбари Режан Кутан), Жумҳурият халқ партияси (ЖХП, раҳбари Дениз Байкал), Демократик сўл партия (ДСП, раҳбари Бюлент Эжевит), Миллиятчи ҳаракат партияси (МҲП, раҳбари Девлет Баҳчали)ларидир.

Либерал йўналишда фаолият олиб бораётган АНАПга Тургут Ўзал томонидан асос солинган бўлиб, Т.Ўзал президент бўлганидан сўнг, унинг ўрнига Месут Йилмаз сайланган эди. Сулаймон Демирел мамлакат президенти бўлгач эса либерал- консерватив ўнг партия ҳисобланган ДИПга Т.Чиллер раҳбар этиб сайланди. ДСП ва ЖХП сўл йўналишдаги партиялар сирасига кирса, Фазилат партияси диний йўналишга эгадир. Фазилат партияси йили Туркия конституциявий суди томонидан фаолияти тақиқланган Рафоҳ партияси ўрнида ташкил топган.

Туркияда ҳам Ўзбекистондаги каби ақидапараст, ўзгаларнинг эркинликларини чеклайдиган кишилар фаолияти тақиқланган бўлиб, динни сиёсатга аралаштиришга йўл қўйилмайди. МҲП эса 1997 йилда вафот этган таниқли жамоат ва сиёсат арбоби Алпарслан Туркеш томонидан қурилган миллиятчи-консерватив партиядир. Ушбу партия туркий халқларнинг бирлиги ва яқин ҳамкорлиги тарафдоридир.

Одатда парламент ва маҳаллий идоралар сайловлари алоҳида ўтказиларди. Лек Мажлиси (ТБММ)нинг қар сайлов ҳам бир пайтда ўтка сайловлар ўз муддатида ў сайловлари муддатидан бир

Сайлов ҳақидаги қонунга олган партиягина парламе Маълумотларга қараганда, вазир Бюлент Эжевит бош партия муваффақият қозони МҲП эса 17,9 фоиз ово партияси 16,1 фоиз овоз би Ўтказилган сайловнинг қатъ эълон қилинади.

Янги ҳукумат тузиш ва бо йўлини давом эттириш учу қозонган Б.Эжевит бошқа туэмоқда. Чунки, ишонч парламентдаги 550 депутатн қўллаб-қувватланиши зарур. мамлакат тараққиётига қанча кўрсатади, албатта.

Истанбул шаҳри

АЖСА

Япон мутаха фикрича, эм қанчалик ёш сутида зара моддаси шунч экан.

БИ-ИР МАҚОЛА ЁЗГИМ КЕЛДИ...

Мактуб

Ҳурматли "Хуррият"чи болаларим!

Мен шу кунларда 80 ёшга тўлдим. Шукр, ўтган умримдан унча нолимайман. Ўтган йиллар мобайнида асосан қишлоқ хўжалиги соҳасида ишладим: оддий колхозчиликдан агроном, кейинчалик раис даражасига кўтарилганман. Хуллас, умумий меҳнат стажим (хатда айнан шундай ёзилган - таҳр.) 42 йилни ташкил этади. Мана, 21 йилдирки, пенсиядаман.

Очиғини айтсам, мухбирлик ҳам бир "касаллик" эканки, қани ундан қутулиб бўлса... Биз-нинг туманда Қобилжон Ҳолматов исмли зиёли инсон бор эди, денг. Шу киши ўқувчилик пайтимда мактаб, ўқувчи-пионерлар ҳақида бир нималарни ёзмайсанми, деб маслаҳат бериб қолди. Ёш бола эмасманми "майли, ёзаман!", деворибман. Бир нималар қоралаб келдим, сўнг у киши ёзганларимнинг устидан чизиб, алланималар ёзди, кейин менга яна қайтариб: "Мана мунаҳа қип ёзасан", дедилар. Ўшанаҳа қип ёзиб келдим. Кейин биргалашиб яна ёзганларимни қўриб чиқдик. Буни "тадбир"ми ё "таҳрир"ми, (ҳозир эсимда йўқ) дер экан-да ишқилиб. Ўша пайтларда "Ленин учқуни", "Ленин болалари" дегич газитлар бўларди. Ёзганларимни Қобилжон ака ўша газетларда чиқарди. Ростини айтсам, ўшанаҳа қилиб ёзаверсам-ёзаверсам ка-атта ёзувчи бўп кетардим. Аммо бу ёқда Гитлер қизталоқ уруш бошлаб қолди... Урушдан кейин колхозда ишладим, иш кўп эди, ёзишга вақт қайда... Шунаҳа қип умримиз ҳам ўтипти, аммо-лекин газитларни доим ўқиб бордим, ҳозир кўзим ўтмай набираларим ўқиб беришади. Барака топишсин!

Э-э, эсимдан чиқипти, колхозда ишлаб юрган давримда қишлоқ хўжалик экинларининг зараркунандалари, касалликларга қарши бир-иккита мақола ёзиб, тоза Катталардан балоларга қолгандим. Билишимча, ҳозир тўғри нарса ёзганни сўқадиган Катталар Тошканда йўқ бўлса керак. Тунов куни радиодан Юртбошимизнинг "Газетчилар, аёвсиз ёзинглар, ҳеч кимдан қўрқманглар, керак бўлса сизларга орден бераман", деб айтган гаплари қулоғимга чалинди. Шундан буён Юртбошимизни дуо қиляпман.

Яқинда тилвизурга қараб ўтириб, ўзимизнинг Ўзбекистонда жа-а зўр иморатлар қурилиб, одамларга берилаётганини кўриб қолдим денг.

Шуни кўриб ўтириб, эҳ, қанийди бизнинг қишлоқдаям шунақа уйлар қурилса, деб ўйлаб кетдим. Нимага десанглар, қишлоғимизда 18660 нафардан ортиқ одам яшайди. Муни қарангларки, ХХ аср адоғига етиб бораётгани билан биз ҳалиям тезак ёқамиз. Шароитни ҳам яхши деб бўлмайди. Ўйлаб-ўйлаб шулар ҳақида газетга ёзмоқчи бўлдим. Мақолани қалтироқ қўлим билан бир амаллаб ёздим. Набирам тушмагур, "Ота, сиз айтиб туринг, мен ёзаман" деганигаям қулоқ солмадим. Ўзим ёздим! Кейин қайси газетга жўнатсам экан, дея ўйлаб қолдим. Газеталарам жуда кўп-да. Баъзи бирodарларим "Хуррият"га юборинг, ҳеч қайси хўжайиндан қўрқмайдиган газет", дейишганди, мана Сизларга жўнатяпман.

"Хуррият"чи болаларим! Отанг айлансин сизлардан, битта илтимосим: хатни қийғир-қийшиқ қилиб, ўта бадхат ҳолда ёздим. Қишлоғимизда "компутер" деган матоҳ йўқ. Эллаб ўқирсизлар. Кейин бир амаллаб газетга чиқаринглар! Бизни қишлоғимизгаям газ келсин. Жо-он болаларим, ёрдаминглари аяманглар деб

Воҳиджон ота УСМОНОВ,
Норин тумани, Норинкапа қишлоғи, Чангитта маҳалласи

ТАҲРИРИЯТДАН: Азиз Воҳиджон ота! Таҳририятимизга мактуб битганингиз учун минг раҳмат Сизга! Қишлоғингизда гарчи унча-мунча ишлар қилишга қодир инсонлар кўп бўлса-да, у ердаги муаммолар ҳақида саксонни ўтган Сиздек нуроний отахон ёзибди, қойил! Сизнинг бундай журъатингиз ҳамқишлоқларингиз-у туман раҳбариятига ўрнак, намуна бўлса арзийди. Ажабмаски, шундан сўнг Норинкапа қишлоғидаги аҳвол бироз бўлса-да ўнгланса...

Қадрли Воҳиджон ота! Мактубингизни мазмун-моҳиятига хиёнат қилмай, айрим жумлаларингизга озроқ таҳрир қилдик. Мазкур хат билан бирга яна бир мақола юборибсиз. "Норинкапаликларни қувонтирган қулайликлар ва уларни ранжитаётган ноқулайликлар ҳақида" деган ўша мақолангиз чоп этишга тайёрланмоқда. Насиб қилса, тез орада уни ҳам эълон қиламиз. Набирангизга тайинлаб қўйинг, "Хуррият"ни кузатиб борсин, чунки газетамиз Норин туманига жуда оз миқдорда боради...

ТЕНГЛИК ҲУКМ СУРГАН ЖОЙДА СОТҚИНЛИК БЎЛМАЙДИ

Билимсиз кишиларнинг кўнгли хурофотга мойил бўлади.

* * *

Неъматнинг қадри у йўқолгандан кейингина билинади.

* * *

Тенглик ҳукм сурган жойда сотқинлик, алдамчилик, ғамғусса бўлмайди.

* * *

Ҳар бир инсоннинг қадр-қиммати унинг ўз ишини қойил қилиб бажаришида.

* * *

Ўзи яхши билмаган ишга уринган одам шарманда бўлади.

* * *

Ҳар бир янги нарсада лаззат бор.

* * *

Улуғ ҳодисалар ҳамма вақт юз беравермайди.

Абу Райҳон БЕРУНИЙ

ОКОПЛАРДА ШЕЪРЛАР ЎҚИЛГАН...

(Боши 1-бетда)

қочиб қолишди. Ерга омон-эсон кўндик. Пастда генералимиз бизни кутиб турарди. Иккиламизни ҳам қучоқлаб бағрига босди. Осмондаги 100-учиш учун Абдусаттор Эшонқуловга Совет Иттифоқи қаҳрамони унвони берилди. Мен эса орден билан тақдирланганман. Мен ўзбек учувчисининг довюраклигига қойил қолгандим. Кўп ўтмай "100-учиш" деган очерким "фронт ҳақиқати"-нинг навбатдаги сонида босилиб чиқди. Лекин Абдусаттор Эшонқуловнинг жасорати мени лол қолдириб, сира тинчлик бермасди. Яна нимадир ёзишга ундарди. Грауденц қалъасида ёнидаги бедазорда, омон қолган яккаю ягона оқ қайин остига ўтириб шеър ёза бошладим. Сарлавҳаси бирдан топилди. "Кўкда лочин ёзар қулочин".

- Бир куни фронт штабига чақириб қолишди, - дея ҳикоясини давом эттирди Адҳам Ҳамдам. - Мен кириб борганимда яраклаб турган юмалоқ стол атрофида, "Берлин йўналишида" деган хаританга энгашган ҳолда бир неча ҳарбийлар суҳбатлашиб туришарди. 2-Белоруссия фронтининг қўмондони Константин Рокоссовский, гвардия генерал-майори Собир Умарович Раҳимов, бир неча полковниклар ғарбга юриш режасини тузишаётганди.

- Ўзбекистон республикаси ҳукумати раҳбари ҳурматли Усмон Юсуповдан телеграмма олдик, - деди табассум билан қўмондон К.К.Рокоссовский. - Республиканинг 20 йиллик тўйи ўтказилаётган экан. Вакиллар жўнатишимизни сўрашибди.

- Албатта, бу қутлуғ шодиёнага арзигуллик кишиларимиз бориши керак, - гапга жиддий қўшилди Собир Умарович Раҳимов.

- Фурсатдан фойдаланиб, фашистларни қийратаётган жасур жангчиларимиз номидан ўзбек халқига табрик мактубини юборсак аъло иш бўларди - деди Константин Константинович. - Мактубни "Фронт ҳақиқати"да ҳам босиб чиқариш керак.

Биз бундай тарихий хатни дарҳол ёзишга киришдик. Жангоҳларда ҳурмат қозонган ҳарбий мухбирлар Шариф Бўлатов, Виктор Миронов, Назармат Эгамназаров, Отамурод Авазмуродов, Ваҳоб Ашуров қалб ҳарорати билан жонажон элимизга жўнатилаётган мактуб матнини ёзишди. Бу тарихий ҳужжатга ўзбек дивизиясининг 3715 нафар жангчи ва офицерлари қўл қўйишганди. Биринчи имзо - Собир Раҳимовники эди.

- Адҳамжон, Собир Умарович билан жуда кўп бўлган экансиз, - дея гап бошлади Ғафур ака чуст дўпписини бошига кўндираркан. Битта қойилмақом романми, қиссами ёзсангиз бўларкан. Қўлингиздан келади.

- Ҳа, бошлаб қўйганман, - деди мамнун ҳолда Адҳам Ҳамдам. - Генералимиз учувчи Абдусатторни ниҳоятда қадрларди. Шунинг учун ҳам ёзилажак тарихий асаримнинг номини "Генерал ва лочин", деб қўйганман...

Ғафур Ғулом бу илиқ суҳбатдан ниҳоят мамнун эди.

... Вақт ярим кечага бориб қолганди. Меҳмонлар яна ўша "Победа" машинасида икки чеккада баланд тераклар қад кўтариб турган теп-текис йўлдан Фарғонага қайтишди. Эрта тонгда севимли шоиримиз самолётда Тошкентга учиб кетди.

С.Раҳимов. Польша, 1944 йил

Наманган

Тафтиш

"ПАХТАКОР" ЎЗБЕК СПОРТИГА МУНОСИБМИ?

Муаллиф мақолани "Аҳволига маймунлар йиғлайди" деб номлаган

Республикамиз футбол ишқибозлари учун апрель ойи анча қувончли бошланди, десак муболаға бўлмас. Айниқса, олимпия терма жамоамизнинг 3 ва 10 апрель кунлари Қирғизистон ва Тожикистон терма жамоалари билан бўлган саралаш учрашувларида эришган йирик ғалабаларидан қалбларимизда умид учқунлари пайдо бўлди. Тўғри, бу ғалабаларнинг қанчалик қийинчилик билан қўлга киритилганини телевизор қаршисида ёки бевосита ўйингоҳда ўтирган томошабинлар яхши ҳис қилиб турдилар.Қийинчилик,дейишимизга сабаб ўйинчиларимизнинг жисмоний ёки техник жиҳатдан рақибларига нисбатан кучсизроқ эканлиги эмас,албатта.Ўйин натижаси мухлисларни қониқтирди, аммо сифати эса... Ўйин сифати янада юқорироқ бўлиши мумкинмиди?- Мумкин эди.Хўш,ўйинчиларимизнинг майдонда "оғир карвон" бўлиб тез ҳаракат қилолмаганликларига,-тепилган тўпнинг мўлжалга аниқ бориб тушмаётганлигига,қолаверса, ҳар бир ўйинчининг жисмонан тез чарчаб қолаётганига сабаб нима?

Ўзбекистон телевидениесининг "Давр" информацион дастури қирғизистонлик футболчилар билан бўлган учрашувдан кейин бу саволга аниқлик киритишга урониб кўрди. Футбол майдони талабга жавоб бермайди.Наҳотки?.. Ушбу лавҳани томоша қилгач, биз,яъни 60 - 80-йилларда футбол деса "томдан ташлайдиган" Суннатилла Жўрабоев, Йўлдош Аҳмедов ва ушбу сатрлар муаллифи 10 апрелда бўладиган ўйинни,албатта, ўйингоҳнинг ўзида томоша қилишга аҳдлашиб олдик.

10 апрелда эрталабдан ёққан ёмғир то ўйин бошлангунча тинмади.Шундай бўлса-да,биз аҳдимиздан қайтмадик.Қолаверса, билет тополмай панжаралардан сакраб тушган ёшлик йилларимизни бир хотирлаб қайтамиз, деган ўйда стадионга йўл олдик. Пахтакор метросидан чиқдиг-у, "Лотерея" деб ёзиб қўйилган 100 сўмлик чиптадан олиб, дастлабки панжара ёнига келдик.

Бу ерда биз биринчи "чиғириқ"-дан қандай қийинчилик билан ўтганимизни ёзишга қалам ожизлик қилади. Фазо кемаси учириладиган майдонга кирувчиларни ҳам бунчалик тинтув қилмасалар кераг-ов? Токи стадион деворлари ёнига боргунча уч жойда текширувдан ўтдик. Сўнгги, охирги назорат тўсиғи майдонга кирувчи пиллапоялар бошланадиган жойда бўлди. Бир одам зўрға сиғадиган эшикчанинг икки четида икки милиционер, уларнинг ёнида қўлига қизил боғлаган яна икки назоратчи, ичкаридаги дастлабки ўриндиқларнинг яна икки томонида 5-6 тадан милиция ходимларининг нигоҳи майдонга кириб келаётган томошабинда.

— Бугун ИИВнинг жамоаси ўйнайдими? — деб сўраб қолди ҳамроҳларимдан бири.

— Кейинги ойларда юз бераётган баъзи нохуш воқеалар барчамизни хушёрликка даъват қилади. Ўзингни эҳтиёт қилсанг, худо ҳам сени эҳтиётлайди, буларни ҳам тушуниш керак, — дедим мен.

Хуллас, ўйин ҳам бошланди. Ярим соатлар чамаси вақт ўтгач, ҳар икки томон жамоаларининг ҳаракатлари оғирлашиб қолганини ҳамма ҳис қилиб турарди. **Футбол майдони нафақат халқаро мусобақалар учун, ҳатто маҳаллий аҳамиятга молик мусобақалар учун ҳам талабга жавоб бериши қийин эканлигини ўйин тугагач, ўзимиз майдонга тушиб, кўзимиз билан кўргач, ишонч ҳосил қилдик.**

Стадион хизматчиларидан: "Майдон нега бунчалик бўлиб кетди?" деб сўрадик. Улар бўлса, гапимизни тинглашни ҳам хоҳламай, "Эй..." дея зарда билан қўл силтадилар.

Майдон ёқалаб, маъмурият биносига кириб қолибмиз. Ҳозиргина ўйинчиларни жўнатган стадион хизматчилари, оғир мушкулдан қутулгандек, анча мамнун эдилар. Бош директор У. Зоҳидов кабинетини сўрадик.

— Анови хона, лекин ўзлари йўқлар, қачон бўлишларини ҳам аниқ айтиш қийин. Гоҳо-гоҳо кўриниб қоладилар.

— Ўринбосарларини топиш мумкиндир?

— Мана шу кабинет ўринбосарлари Эшонхўжаевники бўлади, — деб, биздан 3-4 қадам наридаги эшикни кўрсатишди.

Кабинет эшигини очишимиз биланоқ ичкаридан тамаки тутуни, спиртли ичимлик ва яна алламбаларнинг қўланса ҳиди димоққа урилди. 3-4 та маст-аласт кишиларнинг пойма-пой бақириқ-чақириқларидан билдикки, булар футбол жамоамизнинг бугунги "ғалабасини" нишонлашаяпти. Бундай манзарани тасвирга олиш бахтидан маҳрум бўлган "Давр"чиларга ачиндик. Стадион маъмуриятининг бундай "нишонлаш" тадбирларида қатнашмаётган ишчи-хизматчилар билан суҳбатлашдик.

— Қанчалаб миллион сўм харажат қилиб, Германиядан майса келтириб ўтқазилганди. Табиати, иқлими бутунлай бошқача бўлган майсалар Ўзбекистон ёзининг жазирамасига дош берolармиди?

— Майдоннинг ярмисини ўтган йил ноябрь-декабрь ойларида қайта экдик. Совукда илдизи авж оларканми?

— Қарғадан булбул чиққанини эшитганмисиз ёки қурувчидан агроном чиққанини биласизми?(Бу билан кимга шаъма қилаётганини биз тушунмадик.)

— Сизлар ҳозир фақат футбол ўйингоҳини сўраяпсиз. "Пахтакор" спорт-мажмуасига яна бошқа ўйингоҳлар ҳам киради. Уларни ҳам бир кўриб кетсангизлар ёмон бўлмасди.

— Ҳозир баҳор фасли, майсалар кўкариб турибди. Эртага иссиқ кунлар келса... Хуллас, бу йил "Пахтакор" ўйингоҳида чиройли манзарани кўриш учун жуда кўп нарсанинг баҳридан ўтишга тўғри келади-ёв.

— Нимани назарда тутаяпсиз? — дея ажабландик.

— Ҳаловатни, лоқайдликни, хўжакўрсинга иш юритишни. Яна... Яна...

Суҳбатдошимиз тилига чиқара олмай турган фикрни ҳамроҳим Суннатилла айтди-қўйди.

— Номи бор-у, ўзи йўқ бош директор билан машҳур ўринбосарларни демоқчисиз-да.

— Отахон, мен ундай деганим йўқ, узр...

— Улардан воз кечиш осонмас, Суннатилла. Уларнинг илдизи футбол майдонидаги майсаларнинг илдизидек мўрт эмас. Уларнинг илдизига сув пуркаб турадиганлар ҳов анови ерда томошагоҳнинг марказидаги махсус ўриндиқларда ўтириб ўйинни томоша қилишади. **Акс ҳолда 3-4 йил ичида Марказий Осиёда энг гўзал, энг машҳур ўйингоҳлардан бири бўлган, сен билан мен тенги авлоднинг севимли жойига айланиб қолган "Пахтакор" спорт-мажмуаси шунчалик хароба ҳолга айланиб қолгунча қараб туришармиди!**

12 апрель куни уч оға-ини эрталабдан бориб, стадион атрофини айландик.

Ўрда томондан кираверишдаги теннис кортлари, футбол машғулотлари ўтказиладиган жойлардаги аҳволга чидаса бўлади- (Айтишларича, эрта тонгдан бу ерда шаҳарнинг нуфузли кишилари, ҳатто вазирлар ҳам келиб, теннис машқларини бажариб кетишар экан).

"Панорама" томондан киришда чап томонда спорт магазини ёки "Coca-cola" тарқатувчи тижорат дўкони жойлашган. Бироз ўтгач эса дераза ойналари синиб, харобага айланган катта магазин қолдиқлари кўзни олади. Ўнг томонида на дам олишга, на бирор нарса билан шуғулланишга мўлжалланган ташландиқ катта майдон.Дарахтлар орасидан чиқиб турган темир учлари қачонлардир бу ердан ҳам стадион чегараси ўтганлигини билдириб туради.Пахтакор метросидан чиқиб, стадионга кираверишда республикамизга машҳур бўлган "Ёшлик" спорт аренаси.Комплекс бошланишида спорт моллари базаси ижарачи сифатида жойлашган.Комплекснинг ювиниш хоналари - душ, сауна, кичик сув ҳавзаси ҳам ижарачилар ихтиёрида бўлса керак.Машғулотлар ўтиладиган жойнинг аҳволидан кишининг кўзига ёш келади. Комплекснинг иккинчи томонини "Ал-матин" деган кичик корхона ижарага олган.Бу ерда ёнғинга қарши анжомлар тайёрланар экан.- Спортчи ва мураббийларнинг таъкидлашларича, у ердан чиқаётган краска, кислота ва бошқа заҳарли ҳидлар бемалол машғулот залига тарқалиб тураркан. Ҳожатхоналардаги сувлардан ёқимсиз ҳид ва аллақандай ёпишқоқ нарса қўшилиб оқади.Спортчи болалар ундан ювинишади ҳам,ичишади ҳам.

Аренанинг орқа томонида, ер остида ошхона, фирма жойлашган. "Спорт" редакцияси ҳам айни шу ерда эканлигини эшитиб қувондик.

Қиличбозлик залининг аҳволига маймунлар йиғлайди, деб бемалол айтиш мумкин.Хуллас,барча тошкентликлар учун севимли дам олиш маскани бўлиши керак бўлган қадимий "Пахтакор" спорт-мажмуаси бугун ниҳоятда ёрдамга муҳтож аҳволда.

Ишчи-хизматчиларга шароит яратиш,-рағбатлантириш каби ишлар амалга оширилмаётганлигидан масъулият ҳисси ҳам йўқолган.Буни биз стадиондаги меҳнат жамоаси билан қилган суҳбатдан сездик.

Хуллас, "Пахтакор""ни яна ўнглаб олиш учун "Халқ сўзи", "Хуррият" каби обрўли газеталарда муносиб чиқишлар уюштириш керак деган фикрга келиб, ушбу сатрларни қораладик.

Исмоил ҲУСАНОВ,
кекса журналист.

ИНГЛИЗ ТИЛИ ИККИНЧИ ОНА ТИЛИМИЗМИ?

NBUнинг ўзбекчаси йўқми?

Мулоҳаза

Охирги пайтда матбуотда лотинча асосдаги ўзбек алифбосидаги ёзувлар имлоси масалалари кўтарилди. Баъзи имло хаталарига кирилл алифбосининг хусусиятлари туфайли йўл қўйилаётир. Лекин узоқ йиллар давомида рус тили расмий (қонунан бундай мақом берилмаган бўлсада) давлат тили сифатида ишлатилиб келинганлиги оқибатида вужудга келган баъзи ҳодисаларга эътибор берилмаяпти. Масалан, рус тилида тур от сифатида кўплик шакли ишлатилади, ўзбек тилида эса бирлик ишлатилади. Шунга қарамай, "газламалар", "гуллар", "мебеллар", "пуллар" ва ҳоказоларни кўрамиз. Илгари ундош билан тугаган аёл исмлари унли орттирди: "Севара", "Гулжона". Синтаксис даражасида ҳам таъсир йўқ эмас. Мана, масалан, қарор, фармойиш ва шунга ўхшашлар сарлавҳасидан матнигача рус синтаксиси асосида ёзилади. Низом ва тузуклар ҳам шундай. Давлат тили тўғрисидаги қонунда исмларнинг русча ва ўзбекча шакллари тенглаштирилганига қарамай, маъмурий ҳужжатларнинг ўзбек тилидаги матнларида исмлар русча шаклида ёзилади. Лекин мен айтмоқчи бўлган энг муҳим нарса бу эмас. Рус тилининг узоқ давом этган ҳукмронлиги ва шу ҳукмронликни ёқлаб чиққан "олим"ларнинг "саъй-ҳаракати" оқибатида ҳали ҳам айрим кишилар тасаввурида ўзбек тили иккинчи даражали тил, деб қабул қилинади. Кўпларнинг тасаввурида ўзбек тилининг ўзи билан кифояланса бўлмайдиган туюлади, шекилли. "Рус тили - иккинчи она тилимиз"дан аранг қутулган пайтда бу ўринни инглиз тили эгаллаб қоладими? Бу тамойил мавжудлигининг исботи керак бўлса, марҳамат.

Яқинда ташкил топган ва ташкил топаётган корхоналарнинг номларига эътибор беринг. Номларида "Ltd", "Tour", "Travel", "Service" сўзлари учрайдиган корхоналар сон мингта. Ҳолбуки, "Ltd" "масъулияти чекланган", "Tour" ва "Travel" "саёҳат", "Service" "хизмат" дегани. Русчадан кирган (аслида келиб чиқиши арабча) "магазин" сўзи ўрнига "дўкон" сўзи (ваҳоланки, "магазин" ва "дўкон" бир нарса эмас) ишлатила бошланганда ҳамма ёқни "shop" босиб кетди. "Restaurant","Night club", "Billiard club", "Photo-studio"ларга нима дейсиз? "West End Club", "West", "Anglesey Food", "Fan City", "Food City", "Cafe Step", "Eurostyle", "Fast Food", "Men Only"лар-чи? Ёки "Men", "Women"? Ё "Радио Grand", магазин "Grand"? "Grand" нима дегани ўзи? Ёки "Alik's Foto"(ҳа, "Photo" эмас "Foto")-чи? "UWE-DPRESS", "Туркистон-Пресс"? Ахир, "Press" матбуот дегани-ку! Ёхуд нега халқаро ёшлар клубининг номи "В-52", яъни АҚШнинг бомбардимончи самолёти номи билан аталиши керак? Нега Ўзбекистон эстрадасининг таниқли хонандаларидан бири инглиз тилида Америкасиз яшай олмаслигини қуйлайди?

Ўзбекистонда кўпгина чет эллик фирма ва ташкилотлар ўз ваколатхоналарини очган.Бу фирма ва ташкилотларнинг номлари ўзгартирилмай, аслидек ёзилади. Бу табиий ҳол. Лекин эътибор беринг: аксарият қўшма корхоналар ўзига "чет элча"— инглизча номлар қўйиб олади. Ваҳоланки, улар Ўзбекистон қонун ҳужжатларига кўра, юридик шахс ҳисобланади ва бу уларнинг низомларида ҳам қайд этилган. Қўшма бўлмаган корхоналар ҳам баъзан "чет элча" номлар қўйиб олади. Масалан, нима учун "Трастбанк"? Ёки нима учун "Ўзбекистон миллий банки" пешонасига инглизча қилиб "NBU", деб ёзилади?

(Давоми 4-бетда)

"ТАҲРИРИЯТГА ШИКОЯТ КЕЛДИ"

("Хуррият" 1999 й. 17 февраль)

Жавоб

Республика прокуратураси томонидан "Хуррият" рўзномасининг 17 февраль 1999 йилги сонидаги "Таҳририятга шикоят келди" мақоласи бўйича текшириш ўтказилди.

Марғилон шаҳрида истиқомат қилувчи Обиджон Ҳайдаровнинг ўғли Ботирхон Ҳайдаров асоссиз 7 йилга озодликдан маҳрум қилингани бўйича мақолада кўрсатилган ҳолат ўрганилганда, Б.Ҳайдаров ва бошқалар бир гуруҳ бўлиб, 17 июнь 1997 йил куни "Феруза" исмли номаълум аёлни эўрлаб номусига текканлиги ҳамда вояга етмаган М.Мусаевани зўрлаб номусига тегишга қасд қилганлиги учун Марғилон шаҳар судининг 25 сентябрь 1998 йилги ҳукмига кўра, Ҳайдаров Ботир ЖКнинг 118-модда 2-қисми билан 7 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Фарғона вилоят суди жиноий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 26 ноябрь 1998 йилги ажрими билан тайинланган жазо 4 йилга келтирилган. Суд қарорлари билан Республика прокуратураси келишди.

Фарғона вилоятидан Ф.Хидировнинг ўғли Охунжон Россиянинг Омск шаҳрида ўлдириб кетилгани бўйича айбдорларга чора кўрилмагани ҳақидаги шикояти текширилганда, 10 июль 1996 йил куни Россия Федерацияси Омск шаҳар Ленин тумани 2-Репин кўчасидаги кўлдан О.Хидировнинг жасади қотиллик аломатлари мавжуд ҳолда топилган ва РФ ЖКнинг 103-моддаси билан жиноят иши қўзғатилган.

1997 йил 31 июль куни жиноят иши, асосий гувоҳлар Фарғона вилоят Сўх туманида яшаётганлиги, улар доимий яшаш жойларига чиқиб кетганликларини, мазкур жиноятни содир этганликда Х.Хўжаев гумонланаётганлигини инобатга олиб, Россия Федерацияси Бош прокуратураси орқали Ўзбекистон Республикаси прокуратурасига юборилган. Жиноят иши бўйича Фарғона вилоят прокуратураси томонидан тергов ҳаракатлари олиб борилиб, қотилликни содир этган айбдор шахслар аниқланмагани учун иш вақтинчалик ҳаракатдан тўхтатилган. Мазкур қарор Республика прокуратураси томонидан 5 март 1999 й. куни бекор қилиниб, ёзма кўрсатма билан қўшимча тергов ҳаракатларини олиб бориш учун Фарғона вилоят прокуратурасига юборилди.

Мақолада фуқаро Тўлқин Маликов Халқ банки томонидан йўқотилган омонат дафтарчасига нисбатан бўлган ҳуқуқининг бир неча йилдан буён тикланмаётганлиги ва унинг даъвоси суд томонидан рад этилганлиги кўрсатилган.

Текширишда даъвогар Т.Маликовнинг Халқ банкига пул топширганлиги бирорта далил билан исботланмаганлиги ҳамда банкка умуман пул топширмаганлиги аниқланиб, Жиззах шаҳар судининг 11 август 1997 йилги қарори ва шу қарорни ўзгаришсиз қолдирган Жиззах вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 4 сентябрь 1997 йилги ажрими билан даъво рад этилган. Ушбу суд қарорлари асосли деб топилган.

Мақолада кўрсатилган Тошкент шаҳар Шайхонтаҳур тумани 2-Каттабоғ кўчасида яшовчи Гулнора Аъзамованинг уйидан суд қарорига асосан чиқариб юборилаётганлиги ҳақидаги кўрсатилган ҳолатлар фуқаролик ишини ўрганиш билан текширилди.

Аниқланишича, Чилонзор туман судининг ҳал қилув қарори билан низоли уй Х.Гофуржоновга тегишли бўлганлиги учун унинг даъвоси қаноатлантирилган, Г.Аъзамова ва унинг оила аъзолари билан низоли уйнинг литер А-2, А-3, А-4, А-5 хоналаридан кўчирилиб, шу уйнинг литер Б, Б-1 хоналарига киритилган. Суд қарори билан Республика прокуратураси келишди.

Фуқаро А.Ғуломовнинг Т.Егоровага тегишли уйни О.Исроиловага қолдириш ҳақида васиятномасини нотарус томонидан қалбакилаштирилганлиги ҳақидаги аризаси бўйича Республика прокуратураси томонидан фуқаролик ишини ўрганиш билан текширилган ва Андижон шаҳар судининг 12 май 1998 йилги А.Ғуломовнинг даъвосини рад этиш ҳақида чиқарилган қарори асосли деб топилган.

Фуқаро Муҳаррам Алимованинг невараси Сардорни автомашина уриб кетганлиги бўйича С.Мирзамуҳамедова жиноий жавобгарликка тортилмаганлиги ҳақидаги мақолада кўрсатилган ҳолат ўрганилди.

Аниқланишича, 1998 йил 30 март куни Тошкент шаҳар М.Улуғбек тумани Буюк Ипак йўли кўчасида, "Турон" санаторияси бекати қаршисида Сайёра Мирзамуҳамедова бошқарувида бўлган ВАЗ 2106 русумли, давлат белгиси Т 6314 ТН бўлган автомашинасида 7 ёшли Сардор Қосимовни уриб юборган ва натижада Қосимов тан жароҳати олган.

Мазкур ҳолат юзасидан Тошкент шаҳар ИИББ ИТХ бўлими томонидан тергов олди ҳаракатлари олиб борилиб, натижаларига кўра 1998 йил 10 апрель куни ЎзР ЖПКнинг 83-модда 2-бандига асосан жиноят иши кўзғатишликни рад қилиш ҳақида қарор қабул қилинган. Ушбу қарор Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан бекор қилинган ва С.Мирзамуҳамедовага нисбатан ЖКнинг 266-модда 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилган.

М.Улуғбек туман судининг 1998 йил 17 декабрдаги ҳукмига кўра С.Мирзамуҳамедова ЖКнинг 266-модда 1-қисми билан айбли деб топилиб, унга 37500 сўм жарима жазоси тайинланган ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 1 декабрдаги "Амнистия тўғрисида"ги Фармонига асосан тайинланган жазодан озод этилган.

Шунингдек, мақолада кўрсатилган Шоназар Эшмуродовнинг укаси Ваҳоб Эшмуродовнинг уйи тезкор маълумотларга кўра тинтув қилинганда 3 дона 12 калибрли ов милтиғининг ўқлари ва 1,64 гр "опий" гиёҳвандлик моддаси топилган ва айби иш бўйича тўпланган далиллар билан тўлиқ тасдиқланган. В.Эшмуродов ЖКнинг 276-модда 1-қисми, 248-модда 1-қисми билан айбланиб, иш 6 март 1999 йилда мазмунан кўриш учун судга юборилган.

Э.ЖЎРАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси прокуратураси Судларда жиноий ишлар кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари

ТАҲРИРИЯТДАН: Мундоқ олиб қараганда шикоят ёзишдан осони йўқ: юзаки қараганда, у шикоятчидан мажбурият ҳам, масъулият ҳам талаб қилмайдигандек. Бор масъулият шикоят тушган ташкилот ходимлари зиммасида: унда келтирилган даъволарни ипидан-игнасигача синчиклаб текшириш, меъёрий ҳужжат ва қонунларга солиштириш ҳамда юзага келган ҳолат бўйича етти эмас, етмиш ўлчаб бир кесиб, аниқ бир хулосага келгунча нақ она сутинга оғзинга келади. Шикоятда келтирилган даъволар ўз исботини топса-ку хўп-хўп, аммо акси бўлиб чиқса бундан ҳеч ким ютмайди: на шикоятчи, на-да уни текширган ташкилот... Бу билан, "ҳеч ким шикоят ёзмасин!" деган фикрни илгари сурмоқчи эмасмиз, ниятимиз мутлақо бошқа: аввало, ҳеч бир бандани арзнома биттулик қилмасин, мабодо шундай ҳол юзага келса, шикоят ёзаётган фуқаро энг аввало масъулиятни ҳис этмоғи шарт.

Газетамизга ҳар куни келаётган турли мазмундаги шикоятларни ўрганишдан мухтасар хулоса шуки, деярли барча арзномаларнинг ёзилишига ҲУҚУҚИЙ саводсизлик сабаб бўлаяпти, дейишимиз мумкин. Агар кишилар ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билса ҳеч қандай тушунмовчилик, норозиликка, демакки, шикоятбозликка ўрин қолмайди. Бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олишнинг энг мақбул йўлларидан яна бири ҳуқуқий идора ходимларининг масъулияти, холислиги-ю ҳалоллигига бориб тақалади!

Андек чўзиброқ мулоҳаза юритишимизнинг боиси нима?

Илгаган бўлсангиз керак, "Хуррият"нинг шу йил 17 февраль сонида "Таҳририятга шикоят келди" сарлавҳаси остида бизга келиб тушган арзномаларнинг талай қисмини эълон қилгандик. Унда шикоятда баён этилган ҳолатлар қандай бўлса, шундайлигича газетхонлар эътиборига ҳавола этилганди. Орадан кўп вақт ўтмай Республика прокуратурасидан мақолада баён этилган ҳолатлар юзасидан юқоридаги жавоб хати олинди. Унда баён этилишича, мақолада тилга олинган шикоятлар ўрганилган, тегишли хулосалар чиқарилган. Тўғриси, нуфузли идорадан фуқаролар шикоятлари бу қадар жиддий ўрганилиб, жавоб йўллангани матбуотга бўлган эътиборнинг катталигидан далолат бериб турибди. Республика прокуратурасининг матбуотга нисбат бўлган бундай самимий ва холис муносабати кўпгина ташкилотларга ҳар жиҳатдан ўрнак бўлгулик. Зеро, ҳар қандай идоранинг ҳам, матбуотнинг ҳам мақсад-маслаги муштарак: ЖАМИЯТДА ҚОНУН УСТИВОРЛИГИГА ЭРИШИШ! Бунинг учун эса умуммақсад йўлида ҳамжиҳатлик ришталарини боғлай билиш зарур деб ўйлаймиз.

Шуни ҳам айтиш лозимки, жавоб муаллифининг розилиги билан унда баён этилган айрим шикоятлар хусусидаги хулосалар қисқартирилди. Сабабки, ўша жиноий ишлар хусусида суднинг ҳукми чиққанича йўқ. Қонун талабларига кўра, ҳукм чиққандан сўнг таҳририят бу ҳақда ҳам ўқувчиларга маълумот беради. Ва таъкидлаймизки, бу борада аниқ ва объектив хулосага келишда таҳририят Республика прокуратураси ёрдамига таянади.

Ва гарчанд замона кипригида Вақт,
Билганимиз эса зарра ва нисбий —

"НИШОН ТОНГИ" "ҲУРРИЯТ"ДАН ЎТАДИ

Ният

Қашқадарё вилоятида ҳозирги вақтда тармоқ газеталаридан ташқари 30 га яқин матбуот нашри мавжуд. Бу кичкина ижодий муҳит эмас, албатта. Вилоят ҳокими муовини Райим ака Раҳмонов вақти-вақти билан воҳа матбуотчилари билан учрашиб, журналистлар анжумани ташкил қилганида, кўпинча ҳақли равишда бир саволни ўртага ташлайди: "Ҳозирги давр журналистлари қандай бўлиши керак".

Бугунги кунда қатор матбуот нашрларимиз ҳамма биладиган қўшиқни куйлаб қолаётганга ўхшайди. Мана сизга бир мисол. Айниқса пахта йиғим-терими даврида кўпгина туман ва тармоқ газеталарида: "Далалар оппоқ момиқ билан қопланган, теримчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Мазкур хўжаликда жонбозлик билан меҳнат қилиниб, режалар уддаланаётир", деган жумлалардан зерикиб кетасиз.

Воҳамиздаги, яъни Қашқадарёда чиқарилаётган туман ва тармоқ газеталари ичида ҳозирда энг кўп нусхада чоп этилаётгани - бизнинг "Нишон тонги" газетамиз. Бунда муҳаррririмиз Саломат Турсунова ва туман ҳокимлигининг ҳиссаси катта. Офсет усулида чоп этилаётган "Китоб тонги" 940 та, "Чироқчи" 750 та ва қолган туман газеталари ҳам шундан нарибери нусхада нашр қилинаётган бир пайтда, "Нишон тонги" 2000 нусхага яқин босилаяпти.

Бегараз ёрдам бераётган муассисларимизнинг айтишига қараганда, жамоамизнинг фаол саъй-ҳаракати билан яқин ойлардан бошлаб, "Нишон тонги" ҳам компьютерда терилиб саҳифаланади. Ушанда кўрасиз - Қашқадарёда "Хуррият" билан рақобатлаша оладиган нашр дунёга келади. Мен бунга ишонаман.

Исмат ЖЎРАЕВ,
"Нишон тонги" газетасининг бўлим муҳарири

Кўнгил эътирофин туйган маъқулот:
Тириклик абадий, Ҳаёт абадий!

ЛОНДОНДА ПОРТЛАШ

Терроризм

Жаҳон бўйича илдиз отган терроризм ҳаракати дунёнинг яна бир жойида ўзини намойиш этиб, кўплаб бегуноҳ инсонлар ҳаётига зомин бўлди.

Буюк Британия пойтахти Лондон шаҳрида сўнгги икки ҳафта ичида содир этилган учта террорчилик портлаши Британия ҳукуматини жиддий ҳушёрликка тортди. Мазкур мамлакатда истиқомат қилаётган аҳоли кўнгилли равишда полиция ходимлари билан ҳамкорликда мамлакатда вужудга келган бундай ҳаракатларга қарши кучайтирилган ҳушёрлик ва эҳтиёткорлик тартибини ўрнатдилар.

Британия полиция маҳкамасининг тахминига кўра, террорчилар томонидан михлар билан тўлдирилган миналарнинг портлатилиши яқин кунлар ичида яна содир бўлиши мумкин. Шу боис ҳукумат раҳбарияти аҳоли тинчлигини сақлаш борасида қатор амалий чораларни кўрмоқда. Ваҳоланки, ҳозирда террорчилик ҳаракатларига жаҳон давлатларининг биргаликда қарши курашаётганликлари ҳам алоҳида эътиборга моликдир. Ўйлаймизки, бу борада олиб борилаётган барча ишлар ўз самарасини бериши аниқ.



Қирғоқ

ҚАШШОҚЛИК КУЧАЙМОҚДА

Бутунжаҳон банки " Бутунжаҳон тараққиётининг 1999 йил кўрсаткичлари" номли ахборотнома эълон қилди. Унга кўра, Африка, Шарқий Осиё ва Собиқ Иттифоқ давлатларида аҳолининг яшаш шароити, соғлиқни сақлаш кўрсаткичлари ва ўртача умр кўриш даражаси анча пасайган.

Мазкур банкнинг вице-президенти ва етакчи иқтисодчиси Жозеф Стиглицнинг айтишича, Африка давлатларида жуда кўп соҳаларда аҳвол ёмонлашган. Бу ердаги СПИД эпидемиясининг кучайиши энг салбий ҳолатдир.

Сўнгги 10 йил ичида 10 та Африка давлатида ўртача умр кўриш даражаси кескин пасайган, СПИД вируси билан касалланиш эса 10 фоизга етган. Бироқ вазият турли давлатларда турличадир. Масалан, Ботсванда дунё бўйича энг юқори иқтисодий ўсиш кузга ташланади.

Шарқий Осиё давлатларида ҳозирги кунда бирмунча барқарорлик сезилаётган эса-да, бўлиб ўтган молиявий инқирознинг ижтимоий ҳаётдаги таъсири анча кучли: аҳолининг 14-20 фоизи қашшоқликда яшамоқда.

Шарқий Осиё давлатлари аҳолиси юқори даражадаги саводхонликка эга ва бу ҳудудда " ақллар" тўпланиши кучли. Шу сабабли уларда иқтисодий жонланиш учун имкониятлар мавжуд.

Собиқ Иттифоқ давлатларида эса, аксинча, иқтисодий ўсиш имкониятлари чекланган. Бу давлатларда 1989 йилда 14 миллион киши ночорликда яшаган бўлса, 90-йилларнинг ўрталарига келиб, бу кўрсаткич 147 миллионга етди. Ишлаб чиқариш кескин пасайди, қашшоқлик кескин ўсди.

Жозеф Стиглиц фикрича, бозор иқтисодиёти шароитида кўрилаётган саъйлар ва ҳақиқий воқелик турли маъруза ва моделларда кўрсатилганидан-да мураккаброқдир. Бу борадаги энг улкан муаммо, шубҳасиз, маъмурий бошқарув, ҳуқуқий инфраструктура ва бошқа ижтимоий институтларнинг ҳаққоний фаолиятлари масаласидир.

ВЬЕТНАМЛИК "ДАНГАСА"ЛАР УЧУН

Интернет тизими Вьетнамга бор-йўғи бир йил муқаддам кириб келганига қарамай, унга аъзо бўлган фуқаролар сони ўн мингдан ортиб кетди. Буни қарангки, техниканинг бу энг янги воситаси ёрдамида кишилар уйида ўтирган жойидан энг арзимас кундалик рўзғор маҳсулотларидан тортиб, холодильник, автомашинагача буюртма бериб сотиб оляптилар.

ЧЕМИС ҲУКМДОРИНИНГ... ЖОМЕСИ

Маънавият

Бу жоме-масжидига 1840 йили немис ҳукмдори Вилгельм IV асос солган. Қурилиши икки йил давом этган, Дотздам шаҳридаги бу жоме атрофи ям-яшил, хушманзара кўлнинг ёнгинасида. Ҳовлисидаги дарахтлар ҳам Шарқдан келтирилган. Ҳозир у ерда кўлнинг сувини шаҳарга чиқариб берадиган насос бор. Атрофидаги барча бинолар Иккинчи жаҳон уруши йилларида бомбардимон остида қолиб, вайрона бўлган, кейин янги иморатлар қад ростлаган. Аммо жоме — ўша-ўша. Жуда ғаройиб ҳодиса: бомбалар ёмғири остидан фақат бир биногина омон қолган — мана шу жоме-масжиди.

Ҳозир жомени музейга айлантиришган. Кириш пуллик. Пулини тўлаган кириб намоз ҳам ўқиши мумкин. Жоме шаҳарнинг ўрта қисмида жойлашганидан келганларни, айниқса, мусулмон туристларнинг диққатини кўпроқ тортади.

Ўз-ўзидан савол туғилади: жоме-масжид нима учун қурилган экан? Маълум бўлишича, немис ҳукмдори Вилгельм IV Исломга ва Ислом меъморчилигига меҳр қўйган шахс бўлган. Жоменинг рўпарасида унга тегишли сарой бор. Ҳукмдордан: "Нимага бу жомени қурдирдингиз?" дея сўрашганда, "Ҳар куни тонгда саройим айвонига чиқиб томоша қилганимда, барча ҳасрату сиқилишларимни кетказа оладиган бир нарса излардим. Менинг кўнглимга таскин бериб, менга қалб ҳаловатини бера оладиган нарса фақат бир жоме бўлиши мумкин дея, уни қурдирдим" деб жавоб қилган экан.

Ва ҳақиқатан ҳам у ҳар тонгда саройи айвонига чиқар, бир муддат ғаройиб руҳий оламга ғарқ бўлганча, ибодатомуз ҳолатда жомени томоша қилар ва кўнгли таскин топгач, ичкарига йўл оларкан...

МАҒРИБУ МАШРИҚ

ҚАМОҚХОНАДА АҲВОЛ АЯНЧЛИ...

Россия

Турли қилмишлари учун жазо муддатини ўтаётганлар орасида сил касаллигига йўлиққанлар кўпайгандан кўпаймоқда. Муттасил тўйиб овқат емаслик, зарур витаминларнинг тақчиллиги, қамоқхонадаги аянчли шароит шунга олиб келяпти.

847 ўринга мўлжалланган қамоқхонага 2000 маҳбус тиқиб ташланган. 250 ўринга мўлжалланган касалхонада 300 дан ортиқ "зек"лар ётади. Бундай хасталарни боқиш учун киши бошига кунига 20 рубль сарфланиши кўзда тутилгани ҳолда, давлат ҳисобидан 8 рубль ажратилмоқда.

Ўтган йили бу қамоқхонадаги маҳбуслардан 31 нафари омонатини топширди. Маҳбуслар ҳақида шундай десак, қамоқхона хизматчиларининг ҳар ўнтадан биттаси... силга гирифтор!..

Россияда, Сургут шаҳридаги 17-қамоқхонада аҳвол шу даражада аянчли.

ТАСОДИФ ЭМАС!

Илм

Парижда саратон касаллиги бўйича ва генетиканинг машҳур олимлари ишлайдиган Густав Русси касалхонаси. Шарқ мамлакатидан келган атеист бир олим билан суҳбатлашар эдик. У зўр бериб, одамзотнинг табиатда тасодиф натижасида вужудга келганлиги ҳақидаги фикрини олға сурар, қандайдир илоҳий куч бўлиши мумкинлигини инкор этиб, буни илмий томондан исботлашга ҳаракат қиларди. Унга шундай савол билан мурожаат этдим:

— Она қорнидаги эмбрион бир неча ҳужайрадан иборат экан, буйракдаги пешоб безлари билан оғиздаги сўлак безларини шакллантирадиган генлар орасидаги масофа қанча бўлади?

Ажабланиб қараб олдида:

— Бир микроннинг мингдан бири қадар (бир миллиметрнинг мингдан бирига тенг),— деб жавоб қилди.

— Унда, — дедим шундан сўнг,— бу қандай кўр табиат ва қандай тасодиф эканки, миллиардларча инсонлар шаклланаётган бир пайтда, бир микроннинг мингдан бири қадар масофада бўлсин, янглишлик содир бўлмаяпти. Ва инсоннинг оғзидан тупук ўрнига бирор марта бўлсин пешоб чиққани ҳолати учрамаяпти?!

Саволимга жавоб тополмай қолган атеист ноқулай вазиятдан чиқишга уринаркан, француз генетиклари мен келтирган мисолдан мамнун ҳолда, табассум билан қараб туришарди.

Доктор Холиқ НУРБОҚИЙ

АЖАБО!

Африка қитъасининг шимолидаги қишлоқларда болалар катта ёшдаги бегоналарга ҳам "ота", "она" деб мурожаат қилаверадилар.

ҚАҲРАТОН ЎЛКАГА... МАРДИКОРЛИККА!

Иш излаб сангиётганлар, чув тушиб алданаётганлар. Ажабо, аср бошида мардикорликдан бош тортган халқ бугунга келиб ўз хоҳиши билан Россияга мардикорликка бормоқда

Тирикчилик

1916 йилнинг 4 июли. Саратон забтига олиб, гўё кўкдан олов ёғилаётгандай. Тирик жонни кўчага чиққанига пушаймон қилдириб, соя-салқин ерга қувадиган ҳаво. Лекин Хўжанд қалъаси яқинига тўпланган тумонат одам олов селини сезмайди. Кўзларида ўт чақнаган одамларнинг юрагида ёнаётган аланга тафти олдида кўкдаги қуёш ҳарорати пастлик қилади. Фақат халойиқ олдида титраб-қақшаётганини сездирмаслик учун қаддини ғоз тутишга уринаётган пристав ва қозининг чаккасидан тер дув-дув тўкилади, қуёш тафтига фақат улар чидаёлмаётгандайин. "Болаларимизни мардикорликка юбормаймиз, рўйхатни тўхтат, борини йирт, ёқиб ташла! Йигитларимиз ўзимиз учун керак! Ўрусияда совуқда музлаб ўлиши, оёқ-қўли тарашадай қотиши учун ўғил-ўстирмаганмиз!" Халойиқнинг гувиллаган талаби қуёш тафтидан кучлилик қилиб, приставни, қозини олдига солиб қувади.

Халойиқ пристав ортидан полиция маҳкамаси томон йўналади. Етти-саккиз минг одам маҳкамани қуршаб олади. Қиличини ялангочлаган полициячилар одамлар йўлини тўсишади. Қурол — қурол-да! Бир лаҳза исёнчилар нима қиларларини билмай, шамдек қотишади. Шу пайтгача улар оқпошшо одамлари арзларини тинглашига ишонган, ҳамма нарса тинч йўл билан ҳал бўлади, деган ўй-хаёлда эдилар. Ялангочланган қиличлар ўй-хаёлларни чопиб, қийма-қийма қилди. Ногоҳ халойиқ орасидан бир аёл отилиб чиқиб, полициячининг қўлидан қилични тортиб олди. Халқ орасида Ходими Жамолак деб ном қозонган Бисолиҳа Қобилҳўжаева исмли бу аёлнинг жасорати эркакларга жон киргизди. Улар тўсиб турган полициячиларни аёвсиз калтаклай бошладилар. Шунда исёнчиларнинг бир гуруҳи қурол омборини эгаллаш мақсадида қалъа томон юрди. Лекин... қалъадан ҳам, полиция маҳкамасидан ҳам қуролсиз халойиқ томон ўқ узилди. Ким яралган, ким ҳалок бўлган... Шу куни кечки пайт Хўжандда ҳарбий ҳолат эълон қилинди. Атроф шаҳарлардан Хўжанд гарнизонига ёрдамга тўп ва пулемётлар билан қуролланган казаклар етиб келишди. Лекин Хўжанд исёни сўнмади. У бутун Туркистонга ёйилди...

Бу воқеалар ҳув ўша оқпошшо ҳукмронлик қилиб ўтган замонларда юз берган. Ундан сўнг қанча-қанча сувлар оқиб ўтди, не-не қудуқлар кўмилиб, не-не тераклар кесилди. Биринчи жаҳон уруши вақтида ҳоли танг оқпошшо 1916 йил 25 июнида Аштархон, Сибирь ва Туркистондаги туб аҳолидан мудофаа иншоотларини қуришда фойдаланиш мақсадида фармон чиқарганди ўшанда. Самарқанд вилояти губернаторининг фармойишига кўра, Хўжанд уездидан мардикорликка 8140 киши жўнатилиши зарур. Лекин ҳали мардикорликка жўнатиш нари турсин, рўйхат олишга киришилгандаёқ Хўжандда норозилик бошланди...

Кўзида ёш билан сўзлаётган жувоннинг титраб-қақшаши юқоридаги исённи хотирамга солди. "Хўжайин Россияга кетгандилар, бир йил бўляпти, ҳануз дараклари йўқ. Хавотирим ошиб, кечалари уйкум келмайди. Бу ёқда болалар дадам қачон келади, деб юрагимни эзишади. Бирининг оёғидаги тўзиб кетган этикчасига, иккинчисининг бошидаги ярғоқ телпакка қараб юрагим орқага тортади. Майли, озроқ еб, юпунроқ кийинсак-да, бахтимизга дадалари омон бўлсинлар. Даданглар Россиядан кўпгина пул олиб келадилар, сенга телпак, сенга этик олиб бераман. Ўйимиз гуручга, унга, қандга..." Шу ерга келганда жувон баралла йиғлаб юборади. Кўзёшларини яширишга уриниб, ҳиқиллайди: "Илоҳим, бахтимизга саломат бўлсин! Қўшнимиз... йигирма иккига кирган йигит... Ўша ёқларга иш излаб кетганди. Ўйланиш ниятида эди. Тўйга пул тўплаш учун... Аллакимникида қурилишда ишлаётган экан... Ажали ўша томонда экан-да... Ўлигини минг азобда олиб келишди... Худойим кўрсатмасин... Учта болам бор-а... Уларни... мен кейин қандай боқаман!.."

Бир сафар поездда Россиядан келаётган йигитлар билан суҳбатлашиб, яна ўша олис ўн олтинчи йил ёзини эслайман. "Мен мактабда ишлардим",— дейди маҳзунлик аралаш ўйчанлик билан суҳбатдошларимдан бири. — "Мактабда беришадиган арзимас маошга тирикчилик ўтказиб бўлмай қолди. Учта синфдош билан гапни бир жойга қўйиб, Россияга отландик..." Тўрт оғайни Оренбургга бориб, янги чиққан бойлардан бирининг данғиллама уйини қуриб беришга ёлланишади. Қурилиш битгунча тилидан бол томиб турган "хўжайин" ҳисоб-китобга келганда ғиромликка ўтади, иш ҳақини бермаслик мақсадида минг баҳона излайди. "Ҳозир пулим йўқ, бироз сабр қилинглар, икки-уч кунда доллар келади, катта бизнесга қўшилганман!" Икки-уч куннинг охири кўринмайди. Орадан икки ой ўтади. Олдинлари бир-икки буханка нон бериб турган "хўжайин" мардикорларни шундан ҳам қисиб кўяди. "Хайрият, ҳамма жойда ҳам инсофли одамлар бўлганидай, ўша биз тушган Оренбург қишлоқларидан бирида ҳам инсофли одамлар боракан. Ҳолимизни кўриб, озиқ-овқат бериб туришди..."— дейди чеҳраси сал очилиб суҳбатдош. Иккинчи ой тугай деганда "хўжайин" келибди. Тўрт мардикорнинг ҳар бирига 500 рублдан бериб, "Бошқа пулим йўқ. Ҳоҳласаларинг яна бир ой кутинглар!" — деб безрайиб турave рибди. Тўрт ойдан бери оиласидан узоқда тиним билмай ишлаган мардикорлар қўлларидаги арзимас пулга тикилганча серрайиб қолишибди. Лекин тақдир ўша 500 рублни ҳам кўп кўрибди. Ниҳоят, қиш қирчилламасида йўлга чиқишганида поездда ваҳима ўрмалайди: "Арисда, кейин Тошкентда текширувчилар чиқаркан. Ким тожикистонлик бўлса, чўнтагини қоқлашаркан!" Болаларининг олдига қуп-куруқ кириб бориш дан чўчиган мардикорлар илож ахтаришибди. Вагонда проводникка қарашиб юрган йигитга дардларини ёришганда, у аввал ўйланиб, пича тарозига солгач, рози бўлади: "Майли пуллорингни ўтказиб бераман. Ўзи шунча қийналибсизлар..." Чиндан ҳам Арисда қозоғистонлик милиционерлар текширув ўтказишади. Вагон тўла одам борлигига қарамай, айнан ўша тожикистонлик тўрт мардикорни проводникнинг хонасига бошлаб кетишади. Ичкарига битта-битта киргизиб, тинтув ўтказишади. Лекин ҳеч биридан ҳемири ҳам топилмайди... Поезд Тошкентдан ўтиб, Бекободга яқинлашади. Ҳадемай, Ленинобод шоҳбекати. Мардикорлар ҳалиги хайрихоҳ йигитни қидиришади. Энди пулларни олишса бўлар. Лекин у йигитдан ном-нишон йўқ. Суриштиришса, Ховосда тушиб қолибди. "Ие, Андижонга борадиган эди-ку!"— дейди мардикорлардан бири базўр. Ўша озгина пулдан ҳам ажралган хўжандликларнинг тили калимага келмайди...

Агар кўзидаги ёшини тиёлмай, Россияга кетган эридан хавотирланиб сўзлаётган жувон биттагина, Россияда алданган, йўлда пулини олдирганлар фақат ўша тўрт оғайни бўлганида эди, қаламни бошқа муҳимроқ мавзуга сарфласам бўларди. Афсуски, бу каби воқеалар битта эмас...

Ҳозир Ленинобод вилоятининг кўпгина шаҳарларида, туман марказларида саноқсиз эълонлар осиғлиқ. "Новосибирскка, Сургутга, Новокузнецкка, Тюменга... автобуслар жўнайди." Янги пайдо бўлган фирмалар ана шу автобусларга йўловчилар излашади.Йўловчиларнинг битта-иккитаси савдо учун отланмаса, қолганлари Россия шаҳар-қишлоқларига ишлагани, пул топгани боришади. Улар орасида қурувчилар билан бирга, умрида қўлига битта ғишт ёки андава ушламаган одамлар бор. Ҳамманинг қўлидан ҳам бозорда савдо-сотиқ қилиш келмайди. Ноилож, мусофирлик азобини тортишга кўниб, "Қайдасан, Россия" дея йўлга чиқишади. Йўлкира учун уйдаги қайси бир нарсани сотишганлиги табиий.

1916 йил ва XXI аср арафаси. Йиллар ҳаёт тарзини ҳам, одамларни ҳам ўзгартириб юборяпти-да! "Болаларимизни мардикорликка бермаймиз", — дея исён кўтарган хўжандликлар энди ўзлари ўша "совуқ ва дахшатли ўлкалар"га иш излаб боришмоқда. Энди ҳеч ким уларни зўрлаб рўйхатга олмайди. Қайтага ўзлари рўйхатга ёзиладилар.

Хўжанд

Хўрриёт 1999 й 6-11 май

Ўринбой УСМОН 3 бет

Жалолиддин Мангубердининг 800 йиллиги

Тарих ўзига хос ибрат мактабидир. Тарихнинг катта-кичик воқеалари, зафарлар ва маглубиятлар, тантаналар ва фожеалар аслида шоҳлар, саркардалар, адиблар ва санъаткорлар қисмати билан узвий боғлиқ. Марксизм ўргатганидек, тарихни омма эмас, буюк шахслар яратади. Уларнинг ҳаётлари ҳақидаги ҳикоялар саргузашт роман каби ўқилади...

Тарих

Носир МУҲАММАД

ЖАЛОЛИДДИН БИЛАН ТАНИШУВ

Етмишинчи йиллар охирларида хорижда хизматдалигимда Шаҳобиддин ан-Насавийнинг Жалолиддин Мангуберди ҳаёти ва курашлари ҳақидаги китоби қўлимга тушиб қолди. У таниқли озарбойжон олими Зиё Бунёдов томонидан русчага таржима қилинган ва китоб ўзбек генерали Собир Раҳимов хотирасига бағишланган эди. Кейинчалик Бунёдов Собир Раҳимов билан бирга Бокудаги ҳарбий билим юртида тин-устин қилиб юборди. Асрлар давомида фан ва маданият марказлари бўлиб келган жойлар харобага айланди. Солномачиларнинг ёзишларича, Самарқанд аҳолисининг тўртдан бир қисмигина қолган. Аҳолининг кўпчилиги жангда ҳалок бўлган, қолганлари бошқа юртларга қочиб кетганлар. Қочоқларнинг катта қисми Ҳиндистондан бошпана топган. Чунки у ерда йирик мусулмон давлати - Деҳли султонлиги вужудга келган эди. Султонликнинг асосчилари Қутбиддин Ойбек (1206-1210) ва Шамсиддин Элтутмиш

ХОРАЗМШОҲНИНГ ҚАБРИ ҚАЕРДА?

ўқиганлиги ва яқин дўст бўлганлигини эшитдим. Зиё ога ҳам иккинчи жаҳон урушида иштирок этган ва Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган эди. Бу ажойиб олим бир неча йил олдин Бокуда фожиали равишда ҳалок бўлди. Илоҳим, Оллоҳ раҳматига олган бўлсин.

Илгари устод Шайхзоданинг "Жалолиддин Мангуберди" драмасини машинкаланган нусхада ўқиган, бу драма туфайли шоирнинг бошига тушган ташвишлардан хабардор эдим. Зиё Бунёдовнинг китоби мен учун чинакам кашфиёт бўлди. Шўролар мафкураси Жалолиддинни босқинчи, деб тамга босган бир даврда унинг юрт озодлиги учун курашган халқ қаҳрамони эканлигини айтиш учун катта жасорат керак эди.

Насавий китоби Жалолиддин ҳақидаги энг ишончли ва холисона ёзилган асардир. Зеро, улуғ муаррих шахсий котиб сифатида Жалолиддин билан ҳамиша ёнма-ён бўлган, унинг фазилату камчиликларини яхши билган.

Хуллас, китоб ўшанда менинг доимий ҳамроҳимга айланди. Ундан дафтаримга анчагина кўчирмалар олдим. Жалолиддин эса менинг севимли қаҳрамоним бўлиб қолди. Ўша йиллари туғилган ўғлимнинг отини Жалолиддин қўйдим. Ватан соғинчи ҳақидаги шеъримда эса шундай сатрларни битган эдим:

Жалолиддин узоқларда аямасдан жон,
От сурганда қиличида ёвлар заволи.
Найза бўлиб санчилганда кўксига армон
Мадад бўлган унга танҳо юртин хаёли...

ТАРИХГА БИР НАЗАР

Хоразм - қадимий маданият бешикларидан. Воҳанинг энг гуллаб-яшнаган даврларидан бири эса хоразмшоҳлар ҳукмронлиги пайти бўлганлиги шубҳасиздир. Буюк Хоразм давлати Моваroуннаҳр, Эрон, Афғонистоннинг катта қисмини ўз ичига олганди. У Ғарбда Бағдод халифалиги, Шарқда Ҳиндистон билан чегарадош эди.

Мўғуллар босқини мамлакатни тўфон каби ос-тин-устин қилиб юборди. Асрлар давомида фан ва маданият марказлари бўлиб келган жойлар харобага айланди. Солномачиларнинг ёзишларича, Самарқанд аҳолисининг тўртдан бир қисмигина қолган. Аҳолининг кўпчилиги жангда ҳалок бўлган, қолганлари бошқа юртларга қочиб кетганлар. Қочоқларнинг катта қисми Ҳиндистондан бошпана топган. Чунки у ерда йирик мусулмон давлати - Деҳли султонлиги вужудга келган эди. Султонликнинг асосчилари Қутбиддин Ойбек (1206-1210) ва Шамсиддин Элтутмиш (1211-1236) турк эдилар. Албатта, бундан олдин ҳам Туркистон билан Ҳиндистон ўртасида сиёсий-иқтисодий алоқалар мавжуд бўлган, савдо карвонлари тўхтовсиз қатнаб турган. Айниқса, мўғуллар босқини даврида зодагонлар, амирлар, шоир ва санъаткорлар Деҳли султонлигига кўплаб кета бошлаганлар. Тарихчи Жузжоний ўзининг "Табақоти Носирий" асарида ёзишича, Шамсиддин Элтутмишнинг 25 маликидан ярмидан кўпроғи Моваroуннаҳр туркларидан бўлган.

1220 йил охирига келиб хоразмшоҳлар давлатининг тақдири ҳал бўлган эди. Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ ўзининг манманлиги, узоқни кўролмаслиги қурбони бўлган, мўғулларга қарши мамлакатни сафарбар қила олмаган эди. Оқибатда у бир неча тўқнашувларда маглубиятга учраб, зўрга қочиб қутулди. Ғурғон дарёсининг Ҳазар денгизига қуйиладиган Обисуқун бандари яқинидаги ороллардан бирига яширинди. Аммо, оғир изтироблар унинг вужудини емирган эди. Хос мулозимлар ҳузурида кўз ёш тўкиб: "Бизга тобе ерлардан қабр учун икки қулоч ер ҳам қолмади", дея фиғон чеккан экан.

1220 йилнинг декабр ойида у ўғиллари Жалолиддин Ўзлукшоҳ ва Оқшоҳни оролга чақиради. Негаки, у ўз ўлими яқинлашганини сезган, ўзининг хатосини тузатиш ниятида эди.

- Фарзандларим, - деди у, - босқинчилар бало-қазодек юртимизни эгалладилар. Уларга бас келадиган куч топа олмадим. Аммо умидим сизлардан. Жалолиддинни ўзимга валиаҳд қилиб тайинлайман. Акаукалар бир ёқадан бош чиқариб, ёвга қарши курашинг. Зафар ёр бўлсин!

Орадан кўп ўтмай Алоуддин Муҳаммад ана шу кимсасиз оролда ҳаёт билан видолашади. Тарихчиларнинг ёзишларича, кафанлик топилмаганидан бир мулозимнинг кўйлагига ўраб кўмишган экан. Осиёда катта бир салтанат барпо этган, ўнлаб ўлкаларни ўзига тобе қилган зотнинг умри шу тариқа аянчли якун топди.

(давоми бор)

Ҳурриятсиз яшаш оғир!

ҲУРРИЯТ

5 - 11 май
18 (120)-сон

Муассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

Бош муҳаррир Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

Таҳрир ҳайъати: Азамат ЗИЁ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Амиркул КАРИМОВ, Наим КАРИМОВ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Ахмаджон ЎЛМАСОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: 133-69-45, 136-53-63

Индекс:
Якка обуначилар учун — 233 Ташкилотлар учун — 234

«Шарқ» нашриёт- матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Зокиржон АЛИБЕКОВ
Саҳифаловчи: ШЕРЗОД С.

Босиш вақти — 21.00
Топширилди — 17.00
Буюртма — Г 0220

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

СЎЗНИНГ ЭНГ ЁМОНИ — АМАЛГА ОШМАЙДИГАНИДИР

ТАФАККУР

Шубҳадек мустаҳкам қўрғон йўқ.

* * *

Эй, бирадарлар! Ҳақиқатни очинглар, тўғри йўлдан юринглар. Бир-бирингиздан билим ўрганиб, камол топишингиз учун дил пардасини очиб ташланглар.

* * *

Эй, бирадарлар! Одамларнинг ботири мушкулотдан қўрқмайди. Камолот ҳосил қилишдан бош тортган кимса одамларнинг энг қўрқоғидир.

* * *

Деди: — Ёшлардаги қайси хислатлар қадрли ва кексалардаги қайси фазилатлар афзал?

Дедим: — Ёшлардаги андишаю жасорат ва кексалардаги донишмандлигу сокинлик.

* * *

Сўзнинг энг ёмони — амалга ошмай, зое кетадиганидир.

Абу Али ибн СИНО

ЎЗБЕКНИНГ КУРАШИ ЕНГДИ

(Боши 1-бетда)

Президентимизнинг чемпионат очилиши маросимида сўзлаган нутқидан ўзига хос жой олган эди. У киши кураш ишқибозларига яқинроқ келишди. Жудаям қийин кечган баҳсда Маҳтумқули маглубиятга учрагач, отаси йиғлаб юборди. Ўғлига дакки дашном ҳам берди. "... Ўғлим худди шу бугун жаҳон чемпиони бўлганини кўрай девдим, бўлмади-я..." деб армон қилди. Ичкарида Маҳтумқулидан ҳол-аҳвол сўрадим, кайфияти билан қизикдим. У ҳам кўзига ёш олди. "... Ака, менга нисбатан ғирромлик бўлди..." дея олди холос. "Йўқ, полвон, - дедим мен. - Ундай деманг. Зўрни ҳам тан ола билиш лозим. Акобир сизни ҳалол ютибди. Ранжиманг, бу ахир кураш..."

Ташқарига чиқиб, Акобир Қурбоновнинг отасини ахтариб топдим ва сўрадим:

- Собир ака, ўғлингизнинг курашидан қониқдингизми?

Жавоб шундай бўлди:

- Ўғлим бугун Махтумқулидан зўрлигини исботлади. Бироқ Маҳтумқулидек кучли полвоннинг йиқилиши кўнглимни бутунлай алғовдалғов қилиб ташлади... Чидай олмадим... Ҳаммасига шукр. Шу кунларга етказганига ҳам минг бор шукр... Акобирим зўр курашди... Ўғил ҳеч қачон отанинг олдида мағлуб бўлмасин, юрак буни кўтаролмайди... Аслида Маҳтумқули ҳам чемпион!

Мутлоқ Жаҳон чемпионатида ғолиблик учун олиб борилган баҳслар ҳам авжида бўлди. "Й" гуруҳидагилардан бразилиялик Карлос Хонарото билан ўзбекистонлик Тоштемир Муҳаммадиев барча рақибларининг "мазасини қочирди". Мўғулистонлик Бот-эрдэ, эронлик Дамер Хусрав ҳамда ҳамюртимиз Муҳаммаддўст Тошевлар Карлоснинг мағлуби бўлишди. Тошев Карлосни йиқитиши ҳам мумкин эди. Бироқ ҳакамлар унга "гирром" бериб мағлубият ёзди. Тоштемир Муҳаммадиев эса сира қийналмади. Дастлаб қирғизистонлик Эрматбек Дўшакеевни 19 сонияда қулатди. Тожикистон полвони Акбар Муҳаммадиёвни эса 24 сонияда мағлуб этди. Аммо навбатдаги курашчи голландиялик Карлу Сидней полвонимизга муносиб рақиб бўлди. Ҳаттоки бироз чарчатиб ҳам қўйди. Бразилиялик Карлос полвон эса Тоштемирни сал бўлмаса енгиб қўяй деди. Барибир Тоштемир Муҳаммадиев финалга чиқди. Жаҳон чемпионати бошлангунга қадар паққос туширилган етти қўй полвонимизга куч берди.

"В" гуруҳидаги "жанглар"да Эралининг қўли баланд келди. У бир йўлга тўрт рақибини йиқитди. Ярим финалда Ботир Хўжаев Эралига жиддий рақиб бўлди. Лекин жуссаи-камол устунлиги Эралини финалга йўллади.

... Мана, кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионатининг энг сўнгги баҳси. Ўртада Ўзбекистоннинг мутлоқ ғолиби, Осиё чемпионатининг кумуш медали совриндори, самбо кураши бўйича жаҳон чемпионатида муваффақиятли иштирок этган Эрали Маҳмарасулов билан мамлакат ҳамда Осиё чемпиони Тоштемир Муҳаммадиев! Ҳакам "кураш" ишорасини берди. Ғўладек келадиган билаклар, салкам ярим метрча келадиган оёқлар "гусур-гусур" ишга тушди. Шу пайтгача вакилларимизга узоқдан туриб кураш услуби, қандай ҳаракат қилиш тўғрисида кўрсатма бериб турган мураббийларимиз ҳам оғзига мум солгандек жим. Уларнинг каттаси Эргаш Худоёров ҳаммага қарата: - "Оғайнилар, полвонларга қандай усул қўллаш, қандай курашиш тўғрисида кўрсатма бермайлик. Халал бермайлик. Иккаласи ҳам ўзимизники. Иккаласи ҳам ўзбекистонлик катта курашчи. Қайси бири зўр бўлса шуниси чемпион бўлсин, - деди. Бир марта Тоштемир, бир марта Эрали кўтариб "олди". Ҳакамларнинг қоғозига ҳеч нарса ёзилмади. Полвонларнинг курашида бир-бирини авайлаш, шафқат қилиш ҳисси ҳукмрон эди назаримда. Баҳс эркакчасига авж олди. Тоштемир полвон Эралини белига олиб, ёнбош урмоқчи бўлди. Бироқ, Эрали полвон ҳам анойи эмас - хавфли усулдан осонлик билан қутулиб қолди. Ерга баб-баравар қулаган полвонларни ҳакам турғизиб, қайта "кураш" ишорасини бериши билан Эрали Маҳмарасулов ўнг қўлини қўксига қўйиб, жуссасини олдинга эгган ҳолда таъзим қилиб, жаҳон чемпионлиги Тоштемир Муҳаммадиевга ўтганлигини мардларча тан олди. Ҳакам қўлини кўтариб, Тоштемир полвонни жаҳон чемпиони деб эълон қилди...

... Мана бизга мардлик! Мана бизга Эрали полвоннинг танти ва одамохунлиги. Мана бизга ўзбек курашининг ўлмас, кўнгилни сув қилиб юборадиган ноёб фазилати. Бунда кучлар эмас, полвонларнинг ўзаро ҳурмат-иззати устун келди. Чет эллик курашчилар ҳам қойил қолди. Юзларига ниматаларнидир ғулдиращди. Бошларини сарак-сарак қилди. Эрали Маҳмарасуловнинг ҳиммати бутун стадионни ларзага солди. Мухлисларнинг қувончи етти иқлимни тутди. Спортда ҳақиқатан ҳам бундай воқеа бор. Аммо кам. Рақибини жаҳон чемпионлигига муносиб кўриш, очиқчасига тан бериш ҳамманинг қўлидан келавермайдиган иш.

Кураш ниҳоясига етгач, ушбу вазият хусусида полвонлар билан қичқача суҳбат қилдим.

Эрали Маҳмарасулов:

- Тоштемир полвон билан яқинда бўлиб ўтган ат-Термизий хотира мусобақасида ҳам курашган эдим. У ютганди. Жаҳон чемпионатига ҳам жиддий тайёрланди. Унинг кучини тан оламан ва ўзини ҳурмат қиламан. Тоштемир полвон ҳақиқий жаҳон чемпиони бўлди.

Тоштемир Муҳаммадиев:

- Эрали полвон мени ҳурмат қилди. Ундан, жияним бўлса-да, бундай тантиликни, мардликни кутмаган эдим. Мен, яъни тоғаси билан жиддий олишишни истамаганлиги ҳам унинг ҳақиқий полвонлигидан бир шингил аслида. Бугундан рақиб сифатида Эралига нисбатан ҳурматим янада ошди. Мен уни барибир жаҳон чемпиони сифатида тан олмай иложим йўқ.

Эргаш Худоёров, бош мураббий:

- Мен ҳар иккала полвонга ҳам таъзим қиламан. Бунақасини эшитмаган ҳам эдим. Кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Худди меҳрим янада ошиб-тошиб кетгандек сезаяпман ўзимни. Энг муҳими жаҳон чемпионатида биз ҳар томондан ютдик. Халқнинг кўнглини ола билдик.

Карлос Хонарото (Бразилия, 3-ўрин):

- Мен Эрали билан ҳам, чемпион - Тоштемир билан ҳам яқин ошна бўлишни истаб қолдим. Жаҳон чемпионатида рақибни "кучли" деб тан олишни мен эплолмасдим.

Жаҳон чемпионати тугаб, ишқибозлар уй-уйига тарқалар экан, айрим ишқибозларнинг: "Дунёдаги кучли полвонлар келганда эди...", "Армен Багдасаровни ҳакамлар қўллади, бўлмаса...", "Баҳром полвоннинг омади кемади-я" деган сўнгсўз ва ўнгсўзларини эшитиб ўйга чўмдим...

... Бу ҳали бошланиши. Аммо яхши ўтди. Муҳими, минг-минг йиллик орзулар рўёбга чиқди. Сизлар кутган Селим полвон Татар ўғлининг нега келмаганлигини туркия вакилларидан сўрадим. Унинг чап оёғи жароҳатланибди. Томошабин сифатида келиш нияти бор экан-у, жарроҳлар рози бўлмабди. Гуржистонлик Давид Хоҳалашвели эса дзюдо кураши бўйича бўлажак европа чемпионатига тайёргарлик кўраётганлигини айтишди. Булар баҳона эмас, аслида ушбу полвонларнинг жаҳон чемпионатига ризқ-насибаси қўшилмаган. Қуруқ ваҳима ҳамда калта ўйланган фикрларга ўрин йўқ. Аксарият ишқибозлар ўйлаганидек, ҳакамлар Армен Богдасаровга "ёрдам" қилмади. Арменнинг курашиш услуби шунақа. На ўзи йиқилади, на йиқитади. Рақибини ҳам руҳан, ҳам жисмонан чарчатади. Баҳром Авазов масаласида эса мен ҳам худди шундай фикрдаман. Полвон зўр кураш тушди. Аммо омади келмади. Ҳа, майли... бу биринчиси, холос. Ўзбекнинг кураши энди ўзини намоён қилади. Алпомишлар энди яна туғилади. Шуҳратлар, Маҳтумқулилар, Баҳром ва Эралилар барибир жаҳон чемпиони бўлади. Қисқаси, ўзбекнинг кучига барака кира бошлади. Полвонларимиз жами 53 баҳснинг 42 тасини ғалаба билан якунлади.



фақат буқанинг шохини суғуриб оладиган забардаст шахсларгина иштирок этади. Мўғулистонлик Бот-эрдэ Батмонямбу, бразилиялик Карлос Хонарата, болгариялик Дмитрий Запринов, голландиялик Сидней Карлу биз ўйлагандан ҳам чапдаст ҳамда бешафқат курашчи эди. Аммо зўрдан-зўр, кучлидан-кучли кўп деганларидек полвонларимиз уларга ҳам ҳеч қандай имконият қолдирмади.

Жаҳон чемпионатининг савияси унда қатнашаётган полвонларнинг шуҳрати билан ғузал бўлганидек, курашаётган зўрларининг хатти-ҳовури билан ҳам аёвсиз кечиши илгаридан маълум. Ярим финалда Баҳром Авазов билан Камол Муродовнинг олишуви жамики хорижликларнинг ҳайратини оширганлиги бежиз эмас. Бу ўз ўрнида ҳар иккала полвоннинг ҳам чет элликлардан устун эканлиги исботлади.

Полвонларнинг орияти, шахсияти жудаям баланд, шу билан бирга жудаям нозик бўлади. 73 килограмли полвонлардан Маҳтумқули Маҳмудов билан Акобир Қурбонов финалда курашаётган пайтда ҳар иккала полвоннинг ҳам отаси кураш майдонига яқинроқ келишди. Жудаям қийин кечган баҳсда Маҳтумқули маглубиятга учрагач, отаси йиғлаб юборди. Ўғлига дакки дашном ҳам берди. "... Ўғлим худди шу бугун жаҳон чемпиони бўлганини кўрай девдим, бўлмади-я..." деб армон қилди. Ичкарида Маҳтумқулидан ҳол-аҳвол сўрадим, кайфияти билан қизикдим. У ҳам кўзига ёш олди. "... Ака, менга нисбатан ғирромлик бўлди..." дея олди холос. "Йўқ, полвон, - дедим мен. - Ундай деманг. Зўрни ҳам тан ола билиш лозим. Акобир сизни ҳалол ютибди. Ранжиманг, бу ахир кураш..."

Ташқарига чиқиб, Акобир Қурбоновнинг отасини ахтариб топдим ва сўрадим:

- Собир ака, ўғлингизнинг курашидан қониқдингизми?

Жавоб шундай бўлди:

- Ўғлим бугун Махтумқулидан зўрлигини исботлади. Бироқ Маҳтумқулидек кучли полвоннинг йиқилиши кўнглимни бутунлай алғовдалғов қилиб ташлади... Чидай олмадим... Ҳаммасига шукр. Шу кунларга етказганига ҳам минг бор шукр... Акобирим зўр курашди... Ўғил ҳеч қачон отанинг олдида мағлуб бўлмасин, юрак буни кўтаролмайди... Аслида Маҳтумқули ҳам чемпион!

Мутлоқ Жаҳон чемпионатида ғолиблик учун олиб борилган баҳслар ҳам авжида бўлди. "Й" гуруҳидагилардан бразилиялик Карлос Хонарото билан ўзбекистонлик Тоштемир Муҳаммадиев барча рақибларининг "мазасини қочирди". Мўғулистонлик Бот-эрдэ, эронлик Дамер Хусрав ҳамда ҳамюртимиз Муҳаммаддўст Тошевлар Карлоснинг мағлуби бўлишди. Тошев Карлосни йиқитиши ҳам мумкин эди. Бироқ ҳакамлар унга "гирром" бериб мағлубият ёзди. Тоштемир Муҳаммадиев эса сира қийналмади. Дастлаб қирғизистонлик Эрматбек Дўшакеевни 19 сонияда қулатди. Тожикистон полвони Акбар Муҳаммадиёвни эса 24 сонияда мағлуб этди. Аммо навбатдаги курашчи голландиялик Карлу Сидней полвонимизга муносиб рақиб бўлди. Ҳаттоки бироз чарчатиб ҳам қўйди. Бразилиялик Карлос полвон эса Тоштемирни сал бўлмаса енгиб қўяй деди. Барибир Тоштемир Муҳаммадиев финалга чиқди. Жаҳон чемпионати бошлангунга қадар паққос туширилган етти қўй полвонимизга куч берди.

"В" гуруҳидаги "жанглар"да Эралининг қўли баланд келди. У бир йўлга тўрт рақибини йиқитди. Ярим финалда Ботир Хўжаев Эралига жиддий рақиб бўлди. Лекин жуссаи-камол устунлиги Эралини финалга йўллади.

... Мана, кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионатининг энг сўнгги баҳси. Ўртада Ўзбекистоннинг мутлоқ ғолиби, Осиё чемпионатининг кумуш медали совриндори, самбо кураши бўйича жаҳон чемпионатида муваффақиятли иштирок этган Эрали Маҳмарасулов билан мамлакат ҳамда Осиё чемпиони Тоштемир Муҳаммадиев! Ҳакам "кураш" ишорасини берди. Ғўладек келадиган билаклар, салкам ярим метрча келадиган оёқлар "гусур-гусур" ишга тушди. Шу пайтгача вакилларимизга узоқдан туриб кураш услуби, қандай ҳаракат қилиш тўғрисида кўрсатма бериб турган мураббийларимиз ҳам оғзига мум солгандек жим. Уларнинг каттаси Эргаш Худоёров ҳаммага қарата: - "Оғайнилар, полвонларга қандай усул қўллаш, қандай курашиш тўғрисида кўрсатма бермайлик. Халал бермайлик. Иккаласи ҳам ўзимизники. Иккаласи ҳам ўзбекистонлик катта курашчи. Қайси бири зўр бўлса шуниси чемпион бўлсин, - деди. Бир марта Тоштемир, бир марта Эрали кўтариб "олди". Ҳакамларнинг қоғозига ҳеч нарса ёзилмади. Полвонларнинг курашида бир-бирини авайлаш, шафқат қилиш ҳисси ҳукмрон эди назаримда. Баҳс эркакчасига авж олди. Тоштемир полвон Эралини белига олиб, ёнбош урмоқчи бўлди. Бироқ, Эрали полвон ҳам анойи эмас - хавфли усулдан осонлик билан қутулиб қолди. Ерга баб-баравар қулаган полвонларни ҳакам турғизиб, қайта "кураш" ишорасини бериши билан Эрали Маҳмарасулов ўнг қўлини қўксига қўйиб, жуссасини олдинга эгган ҳолда таъзим қилиб, жаҳон чемпионлиги Тоштемир Муҳаммадиевга ўтганлигини мардларча тан олди. Ҳакам қўлини кўтариб, Тоштемир полвонни жаҳон чемпиони деб эълон қилди...

... Мана бизга мардлик! Мана бизга Эрали полвоннинг танти ва одамохунлиги. Мана бизга ўзбек курашининг ўлмас, кўнгилни сув қилиб юборадиган ноёб фазилати. Бунда кучлар эмас, полвонларнинг ўзаро ҳурмат-иззати устун келди. Чет эллик курашчилар ҳам қойил қолди. Юзларига ниматаларнидир ғулдиращди. Бошларини сарак-сарак қилди. Эрали Маҳмарасуловнинг ҳиммати бутун стадионни ларзага солди. Мухлисларнинг қувончи етти иқлимни тутди. Спортда ҳақиқатан ҳам бундай воқеа бор. Аммо кам. Рақибини жаҳон чемпионлигига муносиб кўриш, очиқчасига тан бериш ҳамманинг қўлидан келавермайдиган иш.

Кураш ниҳоясига етгач, ушбу вазият хусусида полвонлар билан қичқача суҳбат қилдим.

Эрали Маҳмарасулов:

- Тоштемир полвон билан яқинда бўлиб ўтган ат-Термизий хотира мусобақасида ҳам курашган эдим. У ютганди. Жаҳон чемпионатига ҳам жиддий тайёрланди. Унинг кучини тан оламан ва ўзини ҳурмат қиламан. Тоштемир полвон ҳақиқий жаҳон чемпиони бўлди.

Тоштемир Муҳаммадиев:

- Эрали полвон мени ҳурмат қилди. Ундан, жияним бўлса-да, бундай тантиликни, мардликни кутмаган эдим. Мен, яъни тоғаси билан жиддий олишишни истамаганлиги ҳам унинг ҳақиқий полвонлигидан бир шингил аслида. Бугундан рақиб сифатида Эралига нисбатан ҳурматим янада ошди. Мен уни барибир жаҳон чемпиони сифатида тан олмай иложим йўқ.

Эргаш Худоёров, бош мураббий:

- Мен ҳар иккала полвонга ҳам таъзим қиламан. Бунақасини эшитмаган ҳам эдим. Кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Худди меҳрим янада ошиб-тошиб кетгандек сезаяпман ўзимни. Энг муҳими жаҳон чемпионатида биз ҳар томондан ютдик. Халқнинг кўнглини ола билдик.

Карлос Хонарото (Бразилия, 3-ўрин):

- Мен Эрали билан ҳам, чемпион - Тоштемир билан ҳам яқин ошна бўлишни истаб қолдим. Жаҳон чемпионатида рақибни "кучли" деб тан олишни мен эплолмасдим.

Жаҳон чемпионати тугаб, ишқибозлар уй-уйига тарқалар экан, айрим ишқибозларнинг: "Дунёдаги кучли полвонлар келганда эди...", "Армен Багдасаровни ҳакамлар қўллади, бўлмаса...", "Баҳром полвоннинг омади кемади-я" деган сўнгсўз ва ўнгсўзларини эшитиб ўйга чўмдим...

... Бу ҳали бошланиши. Аммо яхши ўтди. Муҳими, минг-минг йиллик орзулар рўёбга чиқди. Сизлар кутган Селим полвон Татар ўғлининг нега келмаганлигини туркия вакилларидан сўрадим. Унинг чап оёғи жароҳатланибди. Томошабин сифатида келиш нияти бор экан-у, жарроҳлар рози бўлмабди. Гуржистонлик Давид Хоҳалашвели эса дзюдо кураши бўйича бўлажак европа чемпионатига тайёргарлик кўраётганлигини айтишди. Булар баҳона эмас, аслида ушбу полвонларнинг жаҳон чемпионатига ризқ-насибаси қўшилмаган. Қуруқ ваҳима ҳамда калта ўйланган фикрларга ўрин йўқ. Аксарият ишқибозлар ўйлаганидек, ҳакамлар Армен Богдасаровга "ёрдам" қилмади. Арменнинг курашиш услуби шунақа. На ўзи йиқилади, на йиқитади. Рақибини ҳам руҳан, ҳам жисмонан чарчатади. Баҳром Авазов масаласида эса мен ҳам худди шундай фикрдаман. Полвон зўр кураш тушди. Аммо омади келмади. Ҳа, майли... бу биринчиси, холос. Ўзбекнинг кураши энди ўзини намоён қилади. Алпомишлар энди яна туғилади. Шуҳратлар, Маҳтумқулилар, Баҳром ва Эралилар барибир жаҳон чемпиони бўлади. Қисқаси, ўзбекнинг кучига барака кира бошлади. Полвонларимиз жами 53 баҳснинг 42 тасини ғалаба билан якунлади.

Нормурод МУСОМОВ

Ўгит

ХОТИРАСИНИ УНУТМАҒАН ОДАМДАН ЁМОНЛИК ЧИҚМАЙДИ

Қабристон ҳовлисида яшайдиган отахоннинг адоқсиз ўйларидан бир шингил

Умаршайх ота УСМОНОВ

Ёшинг саксонни қоралаганида ичинг хотирага, хаёлга тўлиб кетар экан. Салмоқланиб қадам ташлаб бора туриб, оҳиста-а ортингга ўгириласан, ҳу-ув олисдаги хотиралар карвон тортиб изингдан келаётганини кўрасан, улардан воз кечолмайсан, улар ҳам сени тарк этмайди. Шунинг учунми, одамнинг умри хотирадан ташкил топади, деган хаёлга борасан. Борди-ю, хотирадан пиллапоя ясаб унинг тепасига чиқиб атрофга қарасанг... хотиранг пиллапояси нечоғли баланд бўлса дунёни шунчалик кенгроқ, бепоёнроқ, мазмунлироқ кўрасан.

Бу гап бир кишигагина эмас, халққа ҳам тааллуқли. Президент жон куйдириб айтаяпти-ку, тарихни ўрган, деб. У кишининг айтганини қилсак, демак, халқимизнинг бўй-басти тик бўлади, боши кўкка етиб юради.

Ҳар қандай одам умри мобайнида мол-буюм йиғиши табиий, лекин мининг назаримда, одам хотира йиғадигандек туюлади. Ҳали йигирма ёшга етмай урушга жўнаганим, уруш майдонларида не-не синовларни, ўлимларни кўрганим, ҳаётнинг ўзига яраша аччиқ-чучуги, буларнинг бари йўқ бўлса... Бундай хаёлдан юрак орқага тортиб кетади. Ахир тушунган инсоннинг топилмас бисоти шу-да!..

Бир нарсага амин бўлдим: хотирасини ардоқлаган одамдан ёмонлик чиқмайди, чунки ўзининг хотирасига, утмишига эътиборли одам бировларни ҳам қадрлайди. Нафақат туғишган жигаргўшаларини, яқин-йироқларини, балки азизу мукаррам инсон зотининг қадр-қимматини жойига қўйиши билан ажралиб туради.

"Тешикқопқа" қабристонининг майдони салкам тўққиз гектар чиқади, бундан катта қабристонлар ҳам кўп, лекин6 назаримда, қабристоннинг кичиги бўлмайди. Чунки бу масканда мангу бош қўйганларнинг руҳи туташиб сўнгсиз тарихни, адоқсиз ўй-хаёлларни ташкил этади.

Бир умр қабристонда яшасанг, ҳар куни кўзингга қабрлар ташланиб турса, табиий, одамнинг руҳиятига таъсир кўрсатмай қолмайди. Баъзи одамлар "қабристон ҳовлисида яшайман" десам ишонқирамайди, елка қисади. Аслида ҳам шундай. Тўғрироғи, ҳовлимнинг этагидан "Тешикқопқа" қабристонига эшик очиб олганман. Чоққина эшикдан чиққан киши қўш қабрни ёнлаб ўтади. Ёзнинг саратонида, қишнинг қаҳратонида — фарқи йўқ, қабристонни айланмаган куним йўқ. Бобом, отам гўрков бўлишган, оға-инилар орасида бу савобли касбни давом эттирганлар бор. Ўзим бир умр ишчи бўлиб ўтдим. Қариган чоғимда эса... ота касбига яқинлашдим. Айтмоқчиманки, Тошкент шаҳар ободонлаштириш бошқармасида Фуқароларга хизмат кўрсатиш идораси бор — Ҳожиакбар Расулов раислик қилади — мазкур идорадаги оқсоқоллар қўмитасига етакчиман.

Бу қандай вазифа бўлди?

Савоб вазифаси. Савобли хизмат. Савоб иш. Тасаввур қилинг, пойтахтда 64 та қабристон бор. Шундан тўрттасига ҳозирда майит қўйилмайди. Яъни, 60 та хотирагоҳ дегани бу! Эҳ-ҳе-е, озмунча хотира ором олиб ётибдими, бу жойларда?!.

Бир гапнинг индаллосини айтай, кейинги йилларда одамларимиз хотирани қадрлашни ўрганишяпти. Бунга юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари туртки бераётганини айтмайсизми!

Аввало, қабристон майдонлари ободонлашмоқда. "Йилт" этиб чироқ ёнмаган гўристонларга симчироқлар тортилмоқда. Йўлкалар асфальтланган. Кўчатлар, гуллар экилганини-ку, асти қўяверасиз!

Кўкча, Ғойиб ота, Юнусобод Оқтепасидаги, Саид Вакқос, Чўпонота қабристонларини зиёрат қилганлар буни яхши билишади. Тошкент шаҳар ҳокими Козимжон Тўлаганов савобнинг тагида қолди, барака топгур. Шунча хизматининг орасида қабристонларга ҳам бирма-бир киради, хабар олади, кам-кўстини битиришга ёрдам беради.

Оддий фуқаролар ҳам қабристонга тез-тез келадиган, ҳашар ишларида фаол қатнашадиган бўлиб қолишди. Муборак ҳайит кунларида, Хотира ва қадрлаш кунларида-ку, жуда гавжумлашиб кетади.

Бу куннинг ҳикмати яна шундаки, хотирага эҳтиром кўрсатган халқ тирикларни қадрлаш туйғуси яна-да камол топади. Кунда савоб ишларга қўл ургиси келиб яшайди.

Эҳ-ҳе, болам, қаранг, ҳар бир дўнглик — хотира дўнглиги, разм солинг, буларнинг ҳар бири тирикларни тарбиялайди, тирикларни қадрлашга даъват этади... ҳар бир қабр ўзича бир ўгит!..

Гап кўп, насиб этса яна бафуржа суҳбатлашамиз, болам, бу улуғ айёмда ўтганларнинг охирати обод бўлсин, тирикларимизнинг умрини берсин, деб дуо қилайлик...

Кўҳонлик ҳайдовчи Аъзамжон аканинг хонадонида товуқ антика тухум туғди. Унинг бир ёнида "Аллоҳ", иккинчи ёнида эса "Муҳаммад" сўзлари битилган

ЎҚИЛМАГАН САҲИФАЛАР

Китоб

Яқинда, ЎзРФА Қўлёзмалар институти томонидан нашрга тайёрланган марҳум Пўлатжон Домулла Қаюмовнинг уч томдан иборат "Тазкираи қайюмий" китоби босилиб чиқди. Бу китобни муаллиф 1960 йилда 75 ёшида ёзиб тугаллаган. Шукрки, китоб бугунги кунда, мустақиллик замонида дунё юзини кўрди. Асарда ўрта асрлардан тортиб то XX асргача бўлган 320 дан ортиқ бизга маълум ва умуман номаълум бўлган шоирлар ҳақида маълумот бериб ўтилади. Китоб ўзбек адабиёти учун янги номлар кашф этгани билан ҳам қимматлидир. Чунки, адабиётимизда Навоий қаламига мансуб "Мажолисун - нафоис" асаридан кейин ўзбек тилида яратилган тазкира ушбу "Тазкираи Қаюмий" ҳисобланган. Китобнинг минг донагина нашр этилгани эса сизу бизни шошилишга мажбур қилади.

Тазкиранинг яна бир муҳим вазифаларидан бири - ҳар бир далилга илмий аниқлик билан ёндашувдир. Унда ҳар бир шоирнинг ижоди аниқ ва тиниқ тасвирланади. Китобни нашр этишдан мақсад ўзбек адабиёти тарихида ўрганилмаган масалаларни ўрганишда олимларга, муаллимларга ва барча адабиёт мухлисларига кўмаклашишдир.

Бу китобни нашр этганлар ҳам юқоридагилар билан бирга марҳум Пўлатжон Домулла Қаюмовнинг руҳларини шод этишни мақсад қилган бўлсалар не ажаб.

Хуллас, "Тазкираи Қаюмий" китоби бугун нафақат адабиёт мухлислари учун балки барча ёшларимиз учун ҳам керак ва зарур.

Нилуфар КЕНЖАЕВА,
ТошДУ талабаси

ИНГЛИЗ ТИЛИ ИККИНЧИ ОНА ТИЛИМИЗМИ?

(Боши 2-бетда)

Инглиз тилини қўллаш катта́ю кичик фирма,корхоналарнинг номлари билан чекланмайди. Давлат идоралари хос қоғозлари сарлавҳасида номларини инглизча ёзишади, эшиклари ёнидаги лавҳаларнинг ҳам кўпи инглизча. Давлат тили тўғрисидаги қонунда нима дейилган бу хусусда? Бу ҳолнинг маънавий жиҳатидан ташқари моддий жиҳати ҳам бор - инглизча ёзувларни бажариш учун куч ҳам, маблағ ҳам сарфланади.

"Аудит", "консалтинг", "инжиниринг", "сервис" каби сўзлар кенг миқёсда ишлатилмоқда. Ҳолбуки, уларнинг ўзбекча муқобиллари бор: "аудит"- "тафтиш", "консалтинг"- "маслаҳат", "инжиниринг"- "лойиҳалаштириш ва маслаҳат", "сервис"- "хизмат" дегани.

Менимча, бундай аҳволга чек қўйиш керак. Корхона ва ташкилотлар номлари асоссиз равишда "чет элча" бўлиб кетмаслиги учун мутасадди ташкилотлар жавобгар бўлишлари ва лозим бўлса, тегишли меъёрий ҳужжатлар қабул қилишлари керак. Термин сифатида қўлланиладиган сўзларга келсак, буларни тартибга солиш учун Атамақўмнинг кучи етарли эмас. Қолаверса, Атамақўм чиқарган луғатлар мажбурий кучга эга эмас. Терминларни миллий манфаатларни кўзда тутган ҳолда тартибга солиш ишига Ўзстандартни жалб этиш керак. Ушбу давлат ташкилоти қошида соҳалар бўйича терминология ишчи гуруҳларини тузиб, терминологик стандартларни ишлаб чиқишни йўлга қўйиш ва бу стандартлар мажбурий кучга эга бўлиши зарур. Албатта, терминларнинг мажбурийлиги меъёрий ва техникавий ҳужжатлар доирасида бўлиши лозим. Бундан ташқари қанча кўп синонимлар ишлатилса, тилнинг бойиш имкониятлари шунча кенг бўлади.

Терминларнинг тилга кириб келишида бир қонуният бор. Янгилик қайси мамлакатда вужудга келса унинг илк номи ҳам ўша мамлакатда вужудга келади ҳамда бу ном кўпинча ўша мамлакатнинг тилида бўлади. АҚШ бошчилигидаги инглиз тилли давлатлар ниҳоятда катта илмий ва техникавий қудратга эга. Шунинг учун аксарият терминлар инглиз тилидан кириб келаётгани бежиз эмас. Аммо бу барча ажнабий сўзларни ўзбек тилига киритиш дегани эмас. Шу ўринда терминлар танлаш борасидаги туркий халқларнинг биргаликдаги салоҳиятидан фойдаланиш керак деган таклифни ўртага ташламоқчиман. Туркий тиллар бир-бирига шунчалик яқинки, улар орасидаги фарқлар бир тил шевалари даражасидаги фарқ билан баробар. Масалан, хитой хан тили бир тил ҳисобланса-да, шимолий ханлар жанубий ханлар тилини тушунмайди. Туркий миллатлар вакилларининг аксарияти эса бир-бирларини тушунади. Шунда чет элча терминнинг муқобили ўзбек тилида топилмаса, бошқа туркий тиллар заҳирасидан ахтариб кўриш керак. Бу борада фалсафа фанлари доктори, профессор Бахтиёр Каримов билан биргаликда камина бир усул ишлаб чиққанмиз. Усул математик бўлиб, уни газета саҳифаларида ёритиш имкони йўқ. (Бу усул тўғрисида қаранг: Каримов Бахтиёр, Муталов Шоаҳмад. Ўрта-турк тили.Т., 1992; B.Karimov. Sh. Moutalof. Averaged Languages: An Attempt to Solve the World Language Prooblem. Tashkent, 1993.) Қисқа қилиб айтганда, мазкур усулда термин сифатида оптимал даражада кўп тилларда қўлланиладиган ва айни пайтда оптимал даражада кўп кишиларга тушунарли бўлган сўз танланади. Шундай қилинса, терминология соҳасида ҳам "Туркистон - умумий уйимиз" деган тамойилга амал қилган бўламиз.

Тўғри, тил билиш кони фойда. Қанча кўп тил билсак, шунча яхши. Қолаверса, инглиз, рус тиллари орқали кўп маълумотларга эга бўлиш мумкин, ёшларимиз чет элларда инглиз тилида ўқиб келмоқдалар. Лекин ўзбек тили Ўзбекистонда иккинчи даражали тилга айланиб қолмаслиги керак.

Шоаҳмад МУТАЛОВ

СОВРИНЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ёдингизда бўлса, газетамизнинг 31 март, 13-сонида эълон қилинган совринли кроссворд ғолиблари исм-шарифларини эълон қилгандик. Куни кеча таҳририятимизда ушбу совринлар ўз эгаларига топширилди. Қадим Самарқанддан ташриф буюрган кроссворд ҳомийлари - Самарқанд шаҳридаги "Самарқанд-универмаг" масъулияти чекланган жамияти директори ўринбосари ва касаба қўмитаси раиси турли қимматбаҳо совға-саломларни ғолибларга ўз қўллари билан топширдилар.Сиз ушбу ёқимли манзараларни суратларда кўриб турибсиз.Норасмийроқ тарзда ушбу тадбир сўнггида томонлар келгусида ҳам бу янглиғ ҳамкорликни давом эттиришга келишиб олдилар.Зеро, саховатнинг катта-кичиги бўлмайди.

Демак, азиз мухлисларимиз, айниқса, кроссворд ишқибозлари, газетамизни мунтазам кузатиб боринг.Насиб қилса, "Ҳуррият"нинг келгуси сонида навбатдаги совринли кроссворд эълон қилинади.Ҳар қалай, "ўз оёғи" билан, "мозор босиб" келган совғани олишга не етсин...

Ажаб

БИР РАҲБАРНИНГ ИККИ МАШИНАСИ

Аҳолининг кам таъминланган қисмини давлат томонидан ижтимоий муҳофазалаш бугунги сиёсатимизнинг устивор йўналишларидан бири. Бу эса ўз навбатида турли даражадаги ижтимоий таъминот идоралари зиммасига катта масъулият юклайди. Бироқ афсуски, ҳамма жойда ҳам бу масалага талаб даражасида ёндошилаяпти, деб бўлмайди.

Навоий вилоятидаги Навбаҳор туман ижтимоий таъминот бўлими айни пайтда қарийб 9 минг нафар пенсионерга хизмат кўрсатади. Яқиндагина қуриб ишга туширилган бўлим биносига кириб бораркансиз, бу ердаги тартибсизликдан кўнглингиз хира тортади.Деворларнинг сувоғи кўчган, қаровсиз қолган аҳволда. Ҳужжатларни саранжом ҳолда сақлаш учун шароит яратилмаган. Натижада бирор юмуш билан келган пенсионерлар, ногиронлар соатлаб тик оёқда навбат кутишга мажбур бўлишади. Чунки хатто бино ҳовлисида ҳам уларнинг дам олиб туришлари учун ўриндиқлар қўйилмаган.

Қизиғи шундаки, бундай ноқулайликларга қарамасдан бўлим бошлиғи Матёқуб Қувондиқов шу йилнинг февраль ойигача бирор марта ҳам туман ҳокимлигига ёки вилоят ижтимоий-таъминот бошқармасига ёрдам сўраб мурожаат этмаган. Аслида-ку, туман раҳбарияти талаб қилинган вақтда керакли маблағни ажратиб келган. Лекин "Сен менга тегма, мен сенга тегмайман" қабилида иш юритадиганлар тоифасидан бўлса нима қилиш керак? Бунинг жабрини эса бутун умрини эл-юрт хизматига бағишлаб, энди кексалик ғаштини суриш ниятида бўлган пенсионерлар кўришаяпти.

Яна бир масала кишини ажаблантиради. 1998 йилнинг 22 май куни туман ҳокимининг фармойиши билан бўлимга 440 минг сўм маблағ ажратилди. Бўлим бошлиғи ихтиёрида 1995 йилда ишлаб чиқарилган "Таврия" русумли хизмат машинаси бўлишига қарамасдан, бу маблағга ҳам аллақайси фирмадан шу русумли машинадан сотиб олди. Раҳбарнинг 250 минг сўмлик машинани 440 минг сўмга харид қилишининг боиси нимада экан? Буниси ҳам майлику-я, худди шу "Таврия"нинг 6 ой ўтмасдан яроқсиз ҳолга келиб қолгани-чи? Қизиқ, олдибердидан бўлим бошлиғи қандай манфаат кўрганикан?

Президентимиз Халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида баъзи раҳбарларнинг ўз вазифаларини четга су